БАЙРАМИНГИЗ ҚУТЛУҒ БЎЛСИН, АЗИЗ ЎРТОҚЛАР!

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

№ 256 (20. 224) • 1988 йил 6 ноябрь • якшанба Баҳоси 3 тийин.

КРЕМЛДА ОЛИМПИАДАЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ

КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми, СССР Министрлар Совети 4 ноябрь куни Кремлнинг Съездлар саройида совет спортчилари — 1988 йилги олимпиада ўйинларининг қатнашчилари шарафига қабул маросими уюштирдилар.

Қабул маросимида **М. С. Горбачев, В. И. Воротников, Л. Н. Зайков, В. А. Медведев, А. П. Бирюкова** ўртоқлар ҳозир бўлдилар.

Учрашувни **М. С. Горбачев** очди. У бундай деди:

Азиз ўртоқлар, азиз олимпиадачилар!

XXIV ёзги олимпиада ўйинларида муваффақиятли иштирок этганлигингиз билан сизларни КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва Совет ҳукумати номидан, бутун халқимиз номидан самимий ва сидқидилдан қутлаб, муборакбод этаман.

Бугун шу залда Калгаридаги қишки олимпиада ўйинларининг голиблари ҳозир бўлишган. Биз уларни ҳам чин қалбдан қутлаймиз. Сизларнинг жасоратингизга миллионлаб кишилар қойил қолишмоқда. Бундай жасоратлар Советлар мамлакатининг ёш авлоди учун ажойиб намунадир.

Мен бу ерда олимпиаданинг барча 276 чемпиони ва совриндорининг номини айтиб ўтишни жуда истардим. Аммо буни амалда бажариб бўлмаслигини ўзингиз тушунасиз. Шундай бўлса-да, мен Владимир Сальников, Елена Шушунова, Владимир Артёмов, Сергей Бубка, Юрий Захаревич, Сергей Белоглазов, Вячеслав Яновский.

(Давоми 3-бетда).



МОСКВА. Кремлнинг Съездлар саройи, 1988 йил 5 ноябрь. Улуғ Октябрнинг 71 йиллигига бағишланган тантанали мажлис.

ОКТЯБРЬ: ЯНГИЛАНИШ ВА ЯРАТУВЧИЛИК ЙЎЛИДАН

МОСКВА

Улуғ Октябрь ғоялари ва ишлари йигирманчи асрнинг байроғи бўлиб қолди. Улуғ Ленининг васиятлари ҳозир жамиятимизда амалга оширилаётган чинакам революцион ўзгартишларга руҳлантирмоқда. Коммунистик партия ҳаётнинг барча соҳаларини — иқтисодий, сиёсий, социал соҳаларни тубдан қайта қурмоқда, социалистик принциплар ва идеалларга зид бўлган барча жиҳатларни қатъий бартараф этмоқда. XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси бу ишга янги қудратли омил бахш этди.

Кремлдаги Съездлар саройи. 5 ноябрь куни бу ерга Москва корхоналарининг ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторлари, партия, уруш ва меҳнат ветеранлари, фан ва маданият арбоблари, Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз Флотининг жангчилари, Москва области меҳнатчилари келдилар. Бу ерда Москва шаҳри меҳнаткашлари ва Москва гарнизони жангчилари вакилларининг Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 71 йиллигига бағишланган тантанали мажлиси бўлди.

Мажлис қатнашчилари **М. С. Горбачев, В. И. Воротников, Л. Н. Зайков, Е. К. Лигачев, В. А. Медведев, Н. И. Рижков, Н. Н. Слюньков, В. М. Чебриков, Э. А. Шеварднадзе, А. Н. Яковлев, А. П. Бирюкова, А. В. Власов, А. И. Лукьянов, Ю. Д. Маслюков, Г. П. Разумовский, Н. В. Тализин, Д. Т. Язов, О. Д. Бакланов** ўртоқларни қарсаклар билан кутиб олдилар.

Залда хорижий меҳмонлар, чет эл дипломатлари ҳозир бўлдилар.

Тантанали мажлисни КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзоси, КПСС Марказий Комитети секретари, КПСС Москва шаҳар комитетининг биринчи секретари Л. Н. Зайков очди.

Совет Иттифоқи Гимни ижро этилади.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари **Н. Н. Слюньков** «Социализмнинг бунёдкорлик кучларини ривожлантирайлик» мавзусида доклад қилди. Доклад эътибор билан тингланди ва қарсаклар билан бўлиниб турди.

Тантанали мажлис тугади. Залда Интернационал янгради.

Сўнгра байрам концерти бўлди. Унда Коммунистик партия ва Совет давлати раҳбарлари ҳозир бўлдилар.

* * *

Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 71 йиллигига бағишланган тантанали мажлислар иттифоқдош республикаларнинг пойтахтларида, мамлакатнинг бошқа шаҳарларида ҳам бўлиб ўтди.

(ТАСС).

ТОШКЕНТ

Инсоният тарихида шундай воқеалар борки, уларнинг роли ва аҳамияти асрларга татийди. Улуғ Октябрь социалистик революцияси бу воқеалар орасида алоҳида ўрин эгаллайди. Коммунистик партия раҳбарлигида ишчилар ва деҳқонлар тузган янги типдаги давлат кўп мамлакатларнинг халқлари учун йўлчи юлдуз бўлиб қолди. Давлатимиз шиддатли синовлардан ўтди, аммо партия енгилмади, кўп миллатли халқимиз ғолиб чиқди. Ҳозир мамлакатимиз жамиятни қайта қуриш, янада демократиялаш туфайли катта революцион ўзгаришларнинг янги босқичига чиқди. КПСС XXVII съезди ва XIX Бутуниттифоқ партия конференциясининг тарихий қарорларини бажаришда Ўзбекистон меҳнаткашлари фаол иштирок этмоқдалар.

5 ноябрь куни Тошкентда Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 71 йиллигига бағишланиб, шаҳар жамоатчилигининг тантанали йиғилиши бўлди. Байрамона безатилган В. И. Ленин номли СССР Халқлари дўстлиги саройига партия, уруш ва меҳнат ветеранлари, республикада Совет ҳокимиятини ўрнатиш ва мустаҳкамлаш учун кураш қатнашчилари, ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторлари, фан ва маданият арбоблари, партия, совет ва жамоат ташкилотларининг вакиллари, Қизил Байроқ орденли Туркистон ҳарбий округининг жангчилари келдилар.

Йиғилишни Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари Б. Ф. Сатин очди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Д. Д. Берков Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 71 йиллиги тўғрисида доклад қилди.

Республика босиб ўтган йўлга назар ташлар экансиз, деб таъкидланди йиғилишда, бирдан-бир тўғри хулоса чиқариш мумкин: Ўзбекистоннинг ютуқлари КПССнинг ленинча миллий сиёсати, мамлакатимиз халқлари жипслиги, ишчилар синфи, деҳқонлар, зиёлилар фидокорона меҳнатининг самарасидир. Муваффақиятларимиз салмоқли ва улкандир. Бироқ бу муваффақиятлар республикада кескин ва кўпроқ намоён бўлган салбий ҳодисаларни яшира олмайди. Беш йилдан буён ана шундай салбий ҳодисаларнинг сабабларини, илдизлари ва оқибатларини бартараф этиш учун зўр бериб, машаққат билан кураш олиб борилмоқда. Республика ва унинг партия ташкилоти олдида турган вазифалар даражасига кўтарилиш учун ҳали кўп иш қилиш керак. Бу вазифаларни бажариш учун бизга мадад берадиган неғиз бор: Совет ҳокимияти йилларида бунёд этилган ишлаб чиқариш потенциали ва маънавий потенциал республика социал-иқтисодий тараққиётини жадаллаштириш имкониятини беради.

Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 71 йиллиги фақат байрамгина эмас, балки кучларимизнинг ўзига хос кўриги ҳамдир. Халқ хўжалигининг барча тармоқларида план топшириқларини бажариш Ўзбекистон меҳнаткашлари учун ҳозир бош имтиҳон бўлади. Олдимизда катта ишлар турибди. Планлар ниҳоятда тиғиздир ва ҳар бир меҳнаткашдан улкан масъулият, ташаббускорлик ва интизомни талаб қилади. Гражданлик бурчимиз фидокорона меҳнатда олий даражада намоён бўлиши керак.

Тантанали йиғилишда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлар Р. Н. Нишонов, В. П. Анишчев, В. А. Головин, Ғ. Ҳ. Қодиров, Н. И. Попов, П. Ҳабибуллаев, М. Ҳ. Холмўҳамедов, Ҳ. Алимова, И. Ҳ. Жўрабеков, А. С. Ефимов, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари А. П. Романовский, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари А. Р. Отажонов, И. Искандаров, К. Х. Маҳамадалиев, В. В. Сударенков қатнашдилар.

(ЎзТАГ).

СОЦИАЛИЗМНИНГ БУНЁДКОРЛИК КУЧЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРАЙЛИК

Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 71 йиллигига бағишлаб

Кремлнинг Съездлар саройида 1988 йил 5 ноябрда ўтказилган тантанали мажлисда

Н. Н. СЛЮНЬКОВ доклади

Ўртоқлар!

Бугун биз Улуғ Октябрь социалистик революциясининг етмиш бир йиллигини нишонлаяпмиз. Октябрь байрами — ҳар сафар тантанагина эмас, шу билан бирга қилинган ишларнинг, 1917 йилдан Россиянинг меҳнат аҳлини социализм учун курашга отлантирган олий мақсадларни амалга ошириш учун ҳали нималар қилиш кераклигининг танқидий анализи ҳамдир.

Октябрь революцияси мутафаккирлар ҳамда озодлик, тенглик ва адолат учун курашчилар кўп авлодлари қилган ишларни ғалаба билан якунлади, пролетариатнинг озодлик ҳаракатидаги жамики онгли, ҳалол, инсоний ғояларнинг, пролетариатнинг порлоқ келажак — жамиятнинг коммунистик тузуми сари интилишининг ифодаси бўлди.

Октябрь одам-одамни эксплуатация қилишини тугатди, унга эртанги кунга ишонч, ўзи учун, жамият учун ишлаш имкониятини бахш этди, эркин меҳнатни ва халқ ҳокимиятини, социал адолат ва миллий тенг ҳуқуқлиликни инсон жамиятининг нормалари тарзида қарор топтирди.

Октябрь тарихга меҳнаткашлар оммаси ижтимоий ижодкорлигининг парвози бўлиб кирди. Меҳнаткашларнинг революцион ғалабалари, социалистик қурилишдаги ютуқлари марксизм-ленинизм таълимотининг кучини тасдиқлади, унинг партия фаолиятидаги бетакрор аҳамиятини кўрсатди. Революция, социализм, партия халқимиз тақдирида мустаҳкам ва абадий бирлашиб кетган.

Биз яратган ва совет кишилари ҳақли равишда фахрланадиган нарсаларнинг ҳаммаси социалистик негизда ривожланиб бормоқда. Социализм ва унинг қадриятлари XX аср жаҳон цивилизациясининг ажралмас ва нуфузли таркибий қисми бўлиб қолди.

«Революция, — деб ёзган эди Ленин, — доно, қийин ва мураккаб фандир». Октябрь ишини давом эттираётган қайта қуришда биз шу фаннинг ҳамма янги теранликларини ўзлаштириб олямиз. Фикрларимиздаги кўп жиҳатлар ўзгармоқда, уларга аниқликлар киритилмоқда. Ўтмиш тажрибасини қайта-қайта идрок этишга тўғри келмоқда. Социализмнинг зўр бунёдкорлик кучи тўғрисидаги хулоса — биз чиқараётган хулосалар орасида энг муҳимларидан биридир. Қайта қуриш — социализм ҳаётийлигининг исботидир, унинг битмас-туганмас имкониятлари тасдиғидир.

Қайта қуриш эндигина бошланган бўлса-ҳам, ҳозирнинг ўзидаёқ социализмга янги куч-ғайрат бахш этди. Совет кишиларининг меҳнатдаги ғайрати ва граждан активлиги ошмоқда. Октябрь революцияси ўз вақтида бутун дунёнинг диққат-эътиборини ўзига тортган бўлса, бизнинг қайта қуришимиз ҳам бутун диққат-эътиборни худди шундай ўзига тортиб турибди. Совет Иттифоқининг халқаро обрў-эътибори ошди.

Ижтимоий тараққиётдаги ҳар бир туб бурилиш кўпдан-кўп қийинчиликларни бартараф этиш билан боғлиқдир. Революцион даврларда Ленин партиясига аниқ ҳаракат программаси, сиёсий юрода, халқнинг бениҳоя кенг қўллаб-қувватлаши айниқса зарурлигини тарих тажрибаси кўрсатиб турибди. Ўн еттинчи йилда большевикларда мана шуларнинг ҳаммаси бор эди, шунинг учун ҳам улар ғалаба қилдилар. Ҳозир КПССда ҳам мана шуларнинг ҳаммаси бор.

* * *

Ўртоқлар!

Социализмнинг зўр кучқудратидан, унинг туб афзалликларидан имкони борича кўпроқ фойдаланиш партиянинг апрель Пленуми йўлига асос қилиб олинган, бу йўл партиянинг XXVII съездида ва XIX конференциясида мустаҳкамланди ҳамда ривожлантирилди. Бу йўл Ленининг социализмни меҳнаткашлар жамияти деб, экономика ва сиёсат, фан ва маданият чинакам инсоний мезон билан ўлчанадиган жамият, деб берган таърифини амалда мужассамлаштириб турибди. Қайта қуриш совет жамиятининг ҳақиқий инсонпарварлик табиатини очиб бериши, авторитар-бюрократик ва технократик сохтакорликларни тугатиши, инсоннинг устунлигини тасдиқлаши керак.

Партия социализмнинг тарихи ва назариясини холисона идрок этиш, Ленин меросини ижодий ўзлаштириш учун кўп иш қилди. М. С. Горбачевнинг Октябрь етмиш йиллигига бағишланган докладида социализмнинг шак-шубҳасиз муваффақиятлари ҳам, йўл қўйилган бўзилишлар ҳам чуқур таҳлил этиб берилди. Мана шу илмий таҳлилдан келиб чиқадиган хулосалар амалда қайта қуришни Октябрь революцияси билан узвий равишда бирга қўшадиган давомийликни равшан англаш, истиқболларимиз ва вазифаларимизни аниқ кўриб туриш имконини беради.

Ленин тушунчасидаги социализм аввало меҳнат аҳлини ишлаб чиқариш воситаларини тасарруф этишга, сиёсий ҳокимиятни амалга оширишга, социал ижодкорликка жалб этишдан иборат. Иқтисодий ва сиёсий ислоҳотлар, идеологияни янгилаш меҳнаткашларга ижтимоий турмушнинг барча соҳаларидаги ўз ҳуқуқларини амалда тўла-тўкис ўзлаштириб олиш имконини берадиган воситаларни яратади. Қайта қуриш бутун халқни оёққа турғизиб, руҳлантириб юборди. Унинг шак-шубҳасиз ғалабаси ҳам мана шундан иборат, ўртоқлар.

Бошқарувнинг иқтисодий усуллари, хўжалик муносабатларининг янги шакллари инсоннинг ижтимоий мулкдан бегоналашувига барҳам беради, ишлаб чиқаришдаги активликка янги омил бахш этади. Социалистик мулкчиликни рўёбга чиқаришнинг конкрет шакллари хилма-хиллиги ҳар бир кишига ижтимоий фойдали меҳнатда ўз кучларини шахсий манфаатлар, билимлар, малака асосида муносиб равишда ишга солиш имкониятини беради.

Биз қиладиган асосий иш меҳнатга бефарқ қарашни, социал тайёрга-айёрликни, лоқайдлик ва хўжасизликни келтириб чиқарадиган илдизларни юлиб ташлашдан, иш кунини бир амаллаб ўтказиш психологиясини тугатишдан иборат.

Ҳозир бизга қатъий интизом ҳам ҳар қачонгидан зарур. Аммо мажбурий интизом эмас, балки манфаатдорлик асосидаги онгли ва демократик интизом керак. Қўрқув эмас, балки қизиқиш; иқтисодий рағбат, гражданлик виждони ишга, ҳар қандай ижтимоий фойдали меҳнатга ундайдиган омиллар бўлиб қолиши лозим. Шу сабабли ҳар бир кишини меҳнатга, ўз вазифаларига янгича муносабат руҳида тарбиялаш жуда муҳимдир.

Тартиб ва интизомга ҳамманинг куч-ғайратлари билангина эришиш мумкин. Шу боисдан ҳам бизга демократиялаш ва ошкоралик, танқид ва ўз-ўзини танқид, халқнинг умумий контроллиги керак. Мана шундай демократик контрол юқоридан қуйигача ишлаб чиқариш ва ижтимоий турмушнинг барча бўғинларига сингиб кетиши, ҳар бир коллективга, ҳар бир ишлаб чиқариш ячейкасига етиб бориши керак.

(Давоми иккинчи бетда).

СОЦИАЛИЗМНИНГ БУНЁДКОРЛИК КУЧЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРАЙЛИК

(Давоми. Боши биринчи бетда).

Сиёсий системанинг ислоҳоти, ҳуқуқий давлатнинг барпо этилиши социал ижодкорликка кенг уфқ очиб беради. Бунда гап йиғилиб қолган бюрократик сарқитлардан қатъиян халос бўлиш ҳақида, совет граждани ҳуқуқлари ва вазифаларини рўёбга чиқаришга ҳар хил йўллар билан тўсқинлик қилиб келган барча тўғаноқлар ҳақида бормоқда.

Октябрь бизга давлат ҳокимиятининг тарихан янги шаклини — Советларни яратиб берди. Советларнинг революцияда, социализмни қарор топтиришда ўйнаган роли уларнинг халқ ҳокимиятининг энг таъсирчан қуроли бўла олиш қобилиятидан яққол далолат бериб турибди. Советларнинг бу фазилатини қайта тиклаш, уни ҳозирги шароитларга мослаб ривожлантириш — сиёсий ислоҳотнинг марказий вазифаларидан биридир.

Белгиланган ўзгартишлар Советларнинг ваколатлари ва имкониятлари ҳажмини кескин кўпайтиришга, уларнинг меҳнаткашлар хоҳиш-иродаси ифодачилари сифатидаги аҳамиятини оширишга имкон беради. Ислоҳот сайловчиларга танлаб олиш ва контрол қилиш ҳуқуқини, депутатларга эса сайловчилар манфаатларининг ифодачиси бўлиш ва умумдавлат турмушининг барча асосий масалаларини ҳал этиш ҳуқуқини демократик асосда гарантиялайдиган чора-тадбирларни ўз ичига олади. СССР халқ депутатлари сайлови ва Конституцияга киритиладиган тузатишлар тўғрисида умумхалқ муҳокамасига қўйилган Қонун лойиҳаларига айни мана шу фикрлар асос қилиб олинган.

Қайта қуриш шароитида жамият янгиланишининг кафили бўлган КПССнинг авангардлик роли кучайиб бормоқда. Партия муваффақиятни таъминлашга қодир, деб қатъий айтиш мумкин. Совет халқи партиянинг ғояларини ва ишларини маъқулламоқда ва қўллаб-қувватламоқда.

Большевикларнинг авлодлари, уларнинг фидокорлиги ва Совет ҳокимияти учун курашдаги, беш йилликлар қурилишидаги, Улуғ Ватан уруши фронтларидаги қаҳрамонлиги туфайли Ленин партияси обрў-эътибор қозонган. Тарихимизнинг энг мураккаб даврларида коммунистлар миллион-миллион меҳнатчиларнинг қийинчиликлар ва маҳрумликларида уларга ҳамдам бўлганликларини, партиянинг шон-шарафи ва қадр-қимматини, унинг ленинча маънавий-сиёсий негизларини сақлаб қолиш учун ҳамма ишни қилганликларини меҳнатчиларнинг ўзлари кўриб турдилар.

Партия революцион ўзгартишларнинг илмий асосланган программасини амалга оширишдаги ташаббуси ва қатъияти билан, ўзини-ўзи танқид қилиш билан, ўзининг сиёсий раҳбарлигига масъулиятли ёндашуви билан, омма орасида ишлаш, уни ишонтириш, унга раҳнамолик қилиш маҳорати билан ўз обрў-эътиборини оширмоқда.

Партиянинг раҳбарлигида теранлиги ва янгилиги жиҳатидан мислсиз иш авж олдириб юборилди. Қайта қуриш, социал-иқтисодий жадаллаштириш ғоялари илҳом бераётган муҳим вазият вужудга келтирилди.

XIX конференция партия ва мамлакат турмушида жуда катта воқеа бўлди. У амалий мунозара, қарашлар ва фикрларни эркин таққослаш руҳида ўтди. Партия туб сиёсий ислоҳотни ўзидан бошлаганлиги, ўзининг иш услуби ва методларини ўзгартиришдан, сайлаб қўйиладиган органларнинг роли ва аҳамиятини оширишдан бошлаганлиги характерлидир. Партия аппарати қайта тузилмоқда, бу аппарат ўз вазифалари, структураси, ҳуқуқ доирасининг даражаси жиҳатидан қайта қуриш вазифаларига, КПСС фаолиятининг сиёсий характерига тўла-тўкис мос бўлиши керак.

Партия билан сиёсий системанинг бошқа бўғинлари ўртасида вазифаларни белгилаб олиш йўлининг ўтказилиши КПССнинг авангардлик ролини янада активроқ таъминлаш, Советларнинг тўла ҳокимиятини кучайтириш, жамоат ташкилотларининг мустақиллигини ривожлантириш имконини беради. Гап, аввало, совет касаба союзлари, Ленин комсомоли ҳақида бормоқда. Яқинда бутун мамлакат Ленин комсомолининг 70 йиллигини ёш авлод билан бирга нишонлади.

Ўртоқлар! Қайта қуриш — жамиятнинг сифат жиҳатидан янги ҳолатига ўтиш демакдир. Социализм кўпроқ бўлиши, Ватанимизнинг қудрати янада ортиши, совет халқининг турмуши моддий жиҳатдан янада бадавлат ва маънавий жиҳатдан хилма-хил бўлиб қолиши тўғрисидаги умидлар қайта қуриш билан ҳаққоний равишда боғланмоқда.

Ғарбдаги баъзи кимсалар туб ўзгартишлар социализм доирасидан чиқиб кетади, деб умид қилмоқдалар. Беҳуда умид. Халқимиз социалистик йўлни узил-кесил ва муқаррар танлаб олган. Бу йўлни Октябрь революцияси танлаб олган ва у ҳеч қачон қайта кўриб чиқилмайди!

Биз барча муаммоларни социализм йўлларида ҳал этиш иложини излаяпмиз. Партия экономикамиз ва демократиямиз социалистик характерда бўлиши керак, деган фикрда қаттиқ турибди. Қайта қуришнинг покловчи иши ҳам жамиятнинг ҳаракатлантирувчи кучларини, унинг социалистик имкониятларини қулф урдиришга, халқнинг хоҳиш-иродаси, шахснинг манфаатлари ифодаланишига халақит берадиган ҳамма тўсиқларни олиб ташлашга қаратилган.

Ҳуқуқий давлатни шакллантиришда, совет жамиятидаги хилма-хил манфаатларнинг эркин ифодаланиши учун имкониятлар яратиш йўлида ҳозирнинг ўзидаёқ шахдам қадамлар қўйилди. Келгусида ҳам шундай бўлаверади. Бироқ демократиялаш ва у билан боғлиқ бўлган жараёнлар ҳеч бир муаммосиз кечавермаслигини англаб етмоқ керак.

Фикрларнинг социалистик хилма-хиллиги шароитида ҳар бир ижтимоий ҳаракат, қонун доирасида иш кўрувчи гражданларнинг ҳар бир гуруҳи ва уюшмаси ўз позицияларини изҳор этиш ва ҳимоя қилиш ҳуқуқига эгадир. КПСС — мунозара тарафдори. Фикрларни таққослашга тайёр. Аммо у бу жараёнлар совет жамиятининг социалистик негизлари ва принциплари мустаҳкамланишига ҳамда кучайишига олиб борадиган бўлишини ўз бурчи деб ҳисоблайди.

Биз аллақачонлар ўрнашиб қолган андозалар, схемалар ва сийқа усуллар рад этилаётган бир пайтда, одатдаги кўпгина нарса ва ҳодисаларга янгича, холисона назар ташлаш талаб қилинаётган, турмуш эски усуллар билан эскичасига ҳал этиб бўлмайдиган принципиал янги муаммоларни ўртага қўяётган даврда яшаб, ишлаяпмиз. Ҳам социал-иқтисодий, ҳам сиёсий, ҳам маънавий-маданий соҳаларга шу гап тааллуқлидир. Зотан, партиянинг бутун фаолияти халқнинг ижодий фикрини, унинг бунёдкорлик куч-ғайратини сафарбар этишга қаратилган.

Ҳозир биз ҳаммамиз демократияни ўрганишимиз керак. Бу гап ҳокимиятнинг олий доираларига ҳам, ҳар бир коллективга ҳам, ҳар бир кишига ҳам тааллуқлидир. Демократия маданиятининг етишмаслиги — ишга халақит берадиган жиддий сабаблардан биридир.

Муҳокамаларсиз, қарашларнинг тўқнашувларисиз демократия бўлмайди, албатта. Аммо муҳокама ва фикрлар тўқнашуви қонунчиликка ҳамда демократик нормаларга риоя этилган тақдирдагина самарали бўлади. Демократик нормалар эса ўзаро ҳурматни, барча далил ва исботларни тушуниш истагини, манфаатлар мувозанатини аниқлаш муддаосини назарда тутади. Фақат шу йўл билан, кўпгина фикрлар ва таклифлар асосидагина тўғри қарорга келиш йўли топилиши ва шундай қарор қабул этилиши мумкин.

Советлар мамлакати тенг ҳуқуқли халқларининг дўстлиги Октябрнинг, социализмнинг буюк ғалабалари жумласига киради. Бу муқаддас ишдир, биз уни эҳтиёт қилиб асраймиз ва кўпайтиравераемиз. Миллий сиёсат қайта қуришнинг таркибий қисмидир. Бу сиёсат мамлакатимиз ижтимоий турмушининг энг нозик соҳаларидан бирига дахлдордир. «Биз, — деган эди М. С. Горбачев, — одамларнинг миллий манфаатлари ёки миллий туйғуларига тааллуқли ҳамма ишларда бениҳоя эътиборли ва одобли бўлишимиз, кўп миллатли жамиятимиз турмушининг хилма-хил вазифаларини ҳал этишда барча миллат ва элат меҳнаткашларининг жуда актив иштирокини таъминлашимиз керак».

Партия ленинча принципларга амал қилиб, миллатлараро муносабатлар қотиб қолиши мумкин эмас, бу муносабатлар доимий ривожланиб боради, деган фикрга асосланиб иш тутади. Шу муносабатлар ривожланиши жараёнида пайдо бўлаётган муаммоларни менсимаслик қандай оқибатларни келтириб чиқараётганини ҳозир кўриб турибмиз.

Миллий муносабатлар соҳасида келиб чиқаётган қийинчиликлар ва зиддиятларни бартараф қилишга имкон бера оладиган янги, пухта ўйланган ечимлар зарурлигини КПСС англайди. Бу муаммоларга ёндашишда социалистик ижтимоий тузумнинг негизларидан бири бўлган интернационализм мустаҳкам асос бўлиб қолмоқда. Миллатлар ва элатлардан ҳар бирининг эркин ривожланиши орқали уларнинг қардошларча жипслигини мустаҳкамлашга эришиш мумкин. Айни вақтда ҳар бир халқ социализмни янгилаш соҳасидаги умумий ишда нақадар активроқ қатнашса, ўз манфаатларини рўёбга чиқаришда анча кўпроқ натижага эриша олади.

Социалистик янгиланиш ишига фан, маориф ходимлари, адабиёт ва санъат арбоблари тобора кўпроқ ҳисса қўшишлари керак. Қолоқлик, расмиятчилик, маъмуриятчилик кўп йиллар давомида бадиий заифлик, бачкана мавзуларга берилиш ва муаммосизлик иллатларини келтириб чиқарган эди.

Партиянинг фикрича, маънавий соҳадаги куч-қудрат тўла-тўкис намоён бўлиши, у илмий социализм назарияси ва практикасига, инсоннинг ҳар томонлама камол топишига кўмаклашиши зарур. Ижтимоий турмуш воқеаларини, партия сиёсатини ёритишда оммавий ахборот воситаларининг роли катта ва масъулиятлидир.

Маданият соҳасида ҳам ўтмиш йиллар меросини ва совет жамияти маънавий дунёсини бойитишнинг янги йўлларини излаш қийинчиликларини акс эттирувчи мураккаб ва баъзан зиддиятли жараёнлар давом этмоқда. Муҳокама ва мунозаралар жамоатчилик фикрини активлаштиришни, бироқ ҳаракат билан, долзарб муаммоларни амалий ҳал этиш билан мустаҳкамланган тақдирдагина бунёдкор куч бўлиб қолиши мумкинлигини қайта қуриш тажрибаси кўрсатди.

Ўртоқлар!

Октябрдан кейинги йилларда биз қудратли ишлаб чиқариш базасини барпо этишга, жуда катта моддий ва одам ресурсларини ҳаракатга келтиришга, мамлакатнинг қиёфасини энг олис бурчакларгача ўзгартишга муваффақ бўлдик. Ҳозиргача эришилган ютуқларга таяниб, энди инсон фаолиятининг ҳал қилувчи соҳаси — иқтисодий соҳада социализмнинг афзалликларини чинакамига юзага чиқариш лозим.

Партия экономиканинг ҳолатини, унда мавжуд бўлган хатолар, камчиликлар ва янглишишларни кенг миқёсда, қаттиқ, принципиал танқид қилмоқда. Уларнинг илдизлари хўжалик системамизнинг пойдевор негизларида эмас, балки шахсга сиғиниш ва турғунлик йилларида йўл қўйилган турли-туман хатолар ва бузилишлардадир.

Ишлаб чиқаришни чуқур интенсивлашга, энг янги технологияларга ўтиш чўзилиб кетди. Халқ хўжалигининг аллақачон таркиб топган структураси ривожлантирилмади. Ишлаб чиқарувчи кучларни ривожлантиришдаги эскирган йўл-йўриқлар ишлаб чиқариш муносабатларидаги ва сиёсий устқурмадаги турғунлик билан маташиб кетди.

Социалистик мулкнинг давлат шакли мутлақлаштирилганлиги, социалистик товар-пул муносабатларининг имкониятларига етарли баҳо берилмаганлиги ва бу муносабатлар чинакамига ривожлантирилмаганлиги салбий таъсир қилди. Бошқариш ва планлаштиришда маъмуриятчилик — тазйиқ ўтказиш усуллари устунлик қилди. Ишлаб чиқариш билан истеъмол ўртасидаги алоқа узила бошлади.

Реал жараёнларга догматик ёндашилганлиги, ҳақиқий ошкораликнинг йўқлиги ишларнинг аҳволини тўғри баҳолашга, кўпайиб борган салбий ҳодисаларга қарши курашишга имкон бермади. Жуда катта имкониятларга эга бўлган, малакали кадрлари бўлган мамлакат орқада қола бошлади.

Партия айрим камчиликларни тугатишгагина эмас, балки бутун иқтисодий системани революцион янгилашга қаратилган йўлни бошлади. Биз ишлаб чиқариш муносабатлари соҳасида ҳам, ишлаб чиқарувчи кучларда ҳам сифат ўзгартиришларига киришдик.

Ўзаро боғлиқ мақсадлар: ишлаб чиқаришни амалда фан-техника революцияси билан бирга қўшиш ва уни социал вазифаларни ҳал этишга қаратиш мақсадлари янги иқтисодий сиёсатимизнинг марказига қўйилди. Хўжалик механизми тубдан ўзгартирилмоқда. Социалистик мулкнинг эгасизлиги ўтмишда қолиб кетмоқда. Ишлаб чиқаришдаги демократиялаш чуқурлашмоқда, Советларнинг ва бошқа территориал органларнинг иқтисодий роли ошмоқда. Шу тариқа миллион-миллион кишиларнинг амалга оширилаётган ўзгартишлардан бевосита манфаатдорлиги таъминланмоқда.

Тақсимлаш муносабатлари соҳасидаги янги ёндашувлар текисчиликни, тайёрга айёрликни изчиллик билан тугатиш, социал адолат, тенг меҳнат учун баравар ҳақ тўлаш принципига оғишмай риоя этиш муҳим роль ўйнаши керак. Социализм шароитида ишламай пул топиш мумкин эмас. Жамиятимизнинг ҳамма учун мажбурий бўлган ҳуқуқий ва ахлоқий нормаси мана шундай.

Ўртоқлар! Халқ хўжалигини қайта қуриш шароитида ривожлантиришнинг дастлабки натижалари танлаб олинган йўлнинг тўғрилигини тасдиқлаб турибди. Интенсив омиллар ижтимоий ишлаб чиқариш суръатини тобора кўпроқ даражада белгилаб бермоқда. Бу йил миллий даромад бултургидан тезроқ ўсмоқда. Унинг бутун ўсган қисми меҳнат унумдорлигини ошириш йўли билан таъминланмоқда. Ишлаб чиқаришни техника билан қайта қуроллантириш тезлашди. Машинасозлик маҳсулотини янгилаш жадаллашди. Маҳсулот тайёрлашга металл сарфи улуши ва унинг таннархини камайтиришда муайян силжиш бошланди.

Аммо партиянинг фикрича, бизнинг экономикамиз ҳали ўтган йиллардаги бузилишлар таъсири остида турибди, бир қанча соҳаларда эса салбий тенденциялар ҳатто кучайди. Давлатнинг харажатлари даромадларидан кўра тезроқ кўпайиб бораётганлиги айниқса ташвиш туғдирмоқда. Бу нарса нақадар жиддий оқибатларга олиб боришини исботлашга ҳожат бўлмаса керак. Долзарб муаммоларнинг мураккаблиги ва миқёслари шу даражага етганки, уларни ҳал қилиш учун кўп меҳнат сарфлашга тўғри келади.

Партия, совет, давлат, хўжалик кадрлари ишининг оғирлик марказини амалий ишлар соҳасига кўчириш ва омманинг ижодий ташаббусига таяниб, тезроқ амалий натижаларга эришиш — шу куннинг бош вазифасидир.

Қайта қуришдаги муваффақият — конкрет ўзгартишларга эришиш меҳнаткашларнинг ўзлари жамият турмушининг барча соҳаларини бошқаришга нақадар фаол жалб этилганига боғлиқ бўлади. Демократик усулларга ҳамон етарли баҳо берилмаётган, меҳнат муносабатларининг янги шакллари писанд қилинмаётган, танқид ва ошкораликдан чўчиётган жойларда эса соғлом жараёнлар сўнмоқда, интизом ва уюшқоқлик паст даражада қолмоқда, қолоқлик ва эскилик суст бартараф этилмоқда. Шу сабабли демократияни ривожлантириш — барча кадрларимизнинг энг муҳим вазифасидир.

Ҳозирги вақт — ҳаракат қилиш даври. Бу ўринда ҳам энг муҳим социал масалалар биринчи ўринга чиқиб қолмоқда. Озиқ-овқат муаммоси шу масалаларнинг энг ўткиридир. Уни тубдан ҳал этиш учун аграр сиёсатда катта ўзгаришлар қилиш зарур. Бунда гап хўжалик юритишнинг янги усулларидан, айниқса ижарадан кенг фойдаланиш, интенсив технологияларни ўзлаштириш, қишлоқни социал жиҳатдан қайта қуриш ҳақида ва ниҳоят, агросаноат комплексининг структурасини такомиллаштириш, аввало, унинг қайта ишлаш тармоқларини жадал ривожлантириш ҳақида бормоқда.

Аҳолини товарлар ва хизматлар билан таъминлаш — бошқа бир катта муаммодир. Бу соҳадаги иш кучайтирилмоқда. Енгил саноат тармоқлари халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни анча кенгайтирмоқда. Маиший хизмат соҳаси активлашмоқда. Халқ хўжалигининг бошқа ҳамма соҳалари ҳам бу вазифаларни ҳал этишга жалб қилинди. 1990 йилнинг охиригача аҳоли беш йилликда белгиланганига нисбатан 24 миллиард сўмлик кўп сифатли товар олиши учун ресурслар ажратилди ва шароитлар яратилмоқда.

Уй-жой муаммоси ҳали ҳам ўткир бўлиб турибди. Давлат ишлаб чиқариш объектлари ҳисобидан уй-жойга ажратиладиган маблағни кўпайтиришга қарор берди. Корхоналарнинг даромадларидан ва маҳаллий бюджетлардан уй-жой қурилишига қўшимча маблағ сарфланмоқда. Якка тартибдаги ва кооператив қурилиш кенгаймоқда. Ҳар йили 11 миллион киши ўзининг уй-жой шароитини яхшилаб олмоқда. Йил охиригача 2,3 миллионта квартира фойдаланиш учун топширилади. Бу — ўн биринчи беш йилликда йилига ўрта ҳисобда фойдаланиш учун топширилган квартиралардан қарийб 300 мингта кўпдир. Келгуси йил планига мувофиқ уй-жой қурилиши миқёслари ортади.

Иш билан тўла ва самарали таъминлаш, медицина хизмати, халқ таълими сифатини яхшилаш, пенсия таъминотини такомиллаштириш масалалари ҳам диққат марказида турибди.

КПСС Марказий Комитетининг 1987 йил июнь Пленуми асосий принципларини ишлаб чиққан туб иқтисодий ислоҳот — қайта қуришнинг энг муҳим омилидир.

Бирлашмалар ва корхоналарнинг мустақиллигини кенгайтириш, уларни тўла хўжалик ҳисобига ўтказиш қайта қуришнинг дастлабки палласидир. Айни хўжалик ҳисоби орқали турли манфаатлар, ишлаб чиқариш ва истеъмол, бошқарувда демократия ва централизм, экономикада план ва бозор асосларининг узвий қўшиб олиб борилиши таъминланади.

Ҳозир биз планлаштириш ва бошқарувнинг яхлит системасини вужудга келтиряпмиз. Янги хўжалик механизмини йўлга қўйяпмиз. 1989 йилдан бошлаб барча ишлаб чиқариш корхоналари ва бирлашмалари Давлат корхонаси тўғрисидаги Қонунга биноан тўла хўжалик ҳисобига ўтиши билан иқтисодий ислоҳотнинг тайёргарлик босқичи ниҳоясига етади.

Ўн учинчи беш йилликни созланган механизм билан бошлаш учун планлаштириш ва рағбатлантиришни, товар-пул муносабатлари бутун комплексини, меҳнатга ҳақ тўлаш формалари ва системаларини, ташкилий структураларни сифат жиҳатидан янги ҳолатга ўтказиш, ўтиш даврининг бошқа муаммоларини ҳал этиш талаб қилинади. Буларнинг ҳаммаси сиёсий системани демократиялаш билан бевосита боғланиши зарур.

Хўжалик юритишнинг янги принципларини барча меҳнат коллективлари, бригадалар, участкаларда, ҳар бир иш жойида жорий этиш айниқса муҳимдир. Меҳнат коллективларининг ижодий активлиги, уларнинг иш натижаларидан манфаатдорлиги ва масъулияти айни хўжалик ҳисобини чуқурлаштириш йўлида ошиб боради.

Меҳнаткашларнинг ташаббуси хўжалик ҳисобининг янги формаларини вужудга келтиради. Ижара ана шу формалардан биридир.

Тажриба шуни кўрсатиб турибдики, ижара аграр-саноат комплексидагина эмас, шу билан бирга халқ хўжалигининг барча соҳаларида самарадорликни оширишнинг кучли омилидир. Бир сўз билан айтганда, ҳозирги вақтда ҳар бир ишлаб чиқариш коллективига хўжалик юритишнинг оқилона шаклларини танлаб олиш учун кенг имкониятлар яратилган.

Халқ хўжалигини бошқариш структурасини қайта ташкил этиш соҳасида дастлабки қадамлар қўйилди. ССР Иттифоқи, иттифоқдош ва автоном республикалар министрликлари ва идораларининг бир қисми тугатилди. Марказда ва жойларда аппаратнинг 40 проценти қисқартирилади. Бироқ бошқарувда кўп босқичлилик, тор идоравий ёндашув, майда-чуйда оператив масалалар билан шуғулланишга интилишга ҳали барҳам берилмаган. Иш услубининг ўзида шу пайтгача маъмуриятчилик, бюрократик-буйруқбозлик методлари устунлик қилиб келмоқда. Бу борада тўсқинлик қилаётган кўпгина омилларга ҳозирча барҳам берилмаган.

Планлаштиришни демократиялаш вазифаси кўндаланг бўлиб турибди. Маҳаллий Советларни ва меҳнаткашлар коллективларини, олимлар ва мутахассисларни социал-иқтисодий ҳамда илмий-техникавий программалар ва планларни тайёрлашга дадил жалб этиш керак. Озиқ-овқат ва энергетика, уй-жой ва экология муаммолари, шунингдек бошқа кўпгина муаммолар барча совет кишилари манфаатларига даҳлдордир ва бу муаммолар жамоатчилик иштирокида ҳал этилиши лозим.

Меҳнат ва истеъмол мезонининг жамоат ҳисоб-китоби ҳамда унинг устидан контролликнинг зарур формаларидан бири, самарали хўжалик юритишнинг омили сифатида беками кўст социалистик бозорни вужудга келтириш билан боғлиқ ишларни сусайтириш мумкин эмас. Бу эса ишлаб чиқариш воситалари билан улгуржи савдони авж олдиришни ҳам, молия-кредит системасини қайта қуришни ҳам, умуман экономикани молиявий соғломлаштиришни ҳам кўзда тутади.

Нархни ислоҳ қилиш энг муҳим эҳтиёж бўлиб қолди ва бу ислоҳотга пухта тайёргарлик кўриш керак. Нархларни ўзгартиришда объектив шарт-шароитдан келиб чиқиш зарур. Бунда ижтимоий зарур меҳнат харажатларини, товарнинг истеъмол хусусиятларини, фан-техника тараққиётини рағбатлантириш ва халқ хўжалигининг самарали структурасини таъминлаш манфаатларини иқтисодий жиҳатдан асосланган тарзда ҳисобга олиш тўғрисида гап боряпти.

Территориал бошқарувга янгича ёндашувлар ишлаб чиқилмоқда. Биз регионларнинг иқтисодий мустақиллигини кучайтиришни, территориал бошқарувда хўжалик ҳисоби қоидаларидан фойдаланишни, республикалар, ўлкалар ва областларнинг ўз территорияларида жойлашган барча корхоналар ва ташкилотларнинг хўжалик фаолияти натижаларидан манфаатдорлигини оширишни истаймиз. Бунда территорияларнинг моддий базасини ривожлантириш аҳолининг халқ истеъмол молларига, соғлиқни сақлаш, маданият, маориф, маиший хизмат соҳасига бўлган эҳтиёжини қондириш билан узвий боғлиқ ҳолда олиб борилади.

Регион хўжалик ҳисоби асло миллий-территориал яккаланиш, мамлакат экономикасини яхлит комплекс тарзда ривожлантиришдан воз кечиш деган гап эмас, албатта. Ленинча тушунилаётган демократик централизм халқ хўжалигини бошқаришнинг мустаҳкам принципи бўлиб қолади.

Кооперациянинг хилма-хил формаларини, якка тартибдаги меҳнат фаолиятини тиклаш — қайта қуришнинг ўзига хос хусусиятларидан биридир.

Жамиятнинг моддий-техника базасида чуқур, революцион ўзгартишлар орқалигина иқтисодий ва социал самарадорликни оширишни таъминлаш мумкин. Партия қисқа муддатда халқ хўжалигини серунум, жаҳон даражасидаги техника билан таъминлаш, ресурсларни тежайдиган илғор технологияларни ўзлаштириш ва шу асосда халқ хўжалиги структурасини тубдан қайта қуриш вазифасини қўйди. Ишлаб чиқаришни электронлаштириш ва автоматлаштириш, прогрессив конструкция материаллари ва биотехнология, энергиянинг сифат жиҳатидан янги манбалари сингари устун йўналишларда ишлар авж олдириб юборилди.

Фан-техника тараққиётини бошқаришнинг самарали механизми вужудга келтирилмоқда. Устун йўналишларда марказлаштирилган—тармоқ программаларини қуйидан кўрсатиладиган кенг ташаббус билан узвий боғлаш зарурлигини бизнинг тажрибамиз ва жаҳон тажрибаси кўрсатиб турибди. Мусобақалашишни дадил ривожлантириш, конкурс асосларини жорий этиш, иқтисодий беллашувни авж олдириш керак. Йирик бирлашмалар ва кичик-кичик корхоналар, шу жумладан кооператив корхоналар мусобақа қатнашчилари бўлиши мумкин. Шундай иқтисодий шарт-шароитни вужудга келтиришни тезроқ ниҳоясига етказиш талаб қилинади. Бундай шароитда корхоналар янги техника ва технологиядан ғоят манфаатдор бўлиб, маҳсулотни тезроқ янгилашлари, уни жаҳон даражасига олиб чиқишлари мумкин бўлур эди.

Экономикадаги аҳвол зўр ғайрат билан бир маромда иш олиб боришни тақозо этади. Яқинда СССР Олий Советининг сессияси 1989 йилги планни кўриб чиқиб, тасдиқлади. Беш йилликнинг тўртинчи йили топшириқлари кўпгина кўрсаткичлар бўйича тиғиз топшириқлардир.

Келгуси йил планида совет халқи турмушини яхшилаш учун барча омиллар мавжуд. Уларни қуйидан бўладиган ташаббуслар билан мустаҳкамлаш, меҳнат активлигини ва интизомни ошириш, хўжалик ҳисоби ва социалистик мусобақани чинакамига авж олдириш муҳимдир. Экономика ижтимоий ўзгартишларнинг энг асоси, серунум меҳнат эса халқ фаровонлигини ўстиришнинг ягона базаси эканлигини бир дақиқа ҳам унутмаслик керак.

Ўртоқлар!

Мамлакатдаги революцион ўзгартишлар халқаро сиёсатга янгича ёндашувларни тақозо этди. Бизнинг ташқи сиёсатимиз улуғ Ленин ғояларини ижодий рўёбга чиқариб, жадал янгиланмоқда. Ташқи сиёсатимиз ўртага қўйган тинч-тотув яшаш, турли системадаги давлатларнинг ҳамкорлиги халқаро муносабатларнинг универсал нормаси сифатида тобора кўпроқ эътироф этилмоқда ва ўз ифодасини топмоқда. Умуминсоний манфаатларнинг устунлиги тўғрисидаги ленинча фикр рўёбга чиқарилмоқда.

Биз тарихимизнинг турли босқичларида Совет давлатининг халқаро ишлари ҳамиша ҳам бир хил қарор топмаганлигини яхши биламиз. Мамлакат тақдири, баъзан жаҳон тақдири деярли қил устида турган оғир урушлар ва кескин муҳолифлик даврлари бўлган. Бизга, иттифоқчиларимизга ўн йиллар давомида дўқ-пўписа қилиниб, қўпол тазйиқ ўтказилиб келинди. Кескинликни юмшатиш даврлари ҳам бўлди.

СССРнинг халқаро мавқеи ҳарбий фан ва техниканинг энг замонавий ютуқларига асосланган юксак мудофаа қобилияти, совет экономикасининг мустаҳкам саноат-технологик негизи, совет халқининг бирлиги, унинг мамлакат ва социализмни ҳимоя қилиш идеалларига содиқлиги сингари турли омилларнинг узвий бирлигида таъминланди. Бизнинг ташқи сиёсий йўлимиз ҳам тинчликни ҳимоя қилишда фаол роль ўйнади. Биз орқага назар ташлар эканмиз, совет ташқи сиёсати СССРга қарши агрессиянинг олдини олишга, совет халқининг мана деярли ярим асрдан буён тинчликда, урушсиз яшашига имкон берган шарт-шароитни вужудга келтиришга ўзининг сезиларли ҳиссасини қўшди, деб қатъий айта оламиз.

Кўпгина мамлакатлар ва халқларнинг Улуғ Октябрь очиб берган йўлга ўтиб олганлиги, жаҳон социализмининг куч-қудрати ва таъсири мустаҳкамланганлиги, биз ғоят кўп куч-ғайрат сарфлаб АҚШ билан стратегик мувозанатга эришганлигимиз — буларнинг ҳаммаси социализмнинг ҳатто энг ашаддий душманларига ҳам ядро асри реалликларини қайта баҳолашларига тўғри келган вазиятни яратган омилларни таъминлади.

Апрель янгиланиши ташқи сиёсатимизда янгича тафаккурга асос солди, уни тубдан қайта қуришни тақозо этди. Бу эса ички қайта қуришимизнинг халқаро аҳамияти ўсиб бораётганлигининг таркибий омилларидан биридир. Жаҳон майдонидаги илғор ўзгаришлар у билан боғлангандир.

Социализм мамлакатлари билан ҳамкорлик янгиланмоқда. Хитой Халқ Республикаси билан муносабатларимиз яхшиланаётганлигидан ҳаммамиз мамнунмиз.

КПССнинг коммунистик ва ишчи партиялар, социал-демократик ва бошқа илғор партиялар билан, ташкилотлар ва ҳаракатлар билан алоқалари янада истиқболли бўлиб, замонавий мазмун касб этиб бормоқда.

Осиё, Африка, Лотин Америкасидаги кўпгина мамлакатлар билан ҳамжиҳатлик янада юксак даражага кўтарилмоқда. Совет — Ҳиндистон муносабатлари ҳозирги халқаро ривожланишнинг муҳим омили бўлиб қолди.

Совет—Америка мулоқоти чуқурлашиб, унда илк бор амалий давомийлик жиҳати пайдо бўлди. СССРнинг Ғарбий Европа давлатлари билан алоқалари сезиларли даражада яхшиланди. Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши ва Европа иқтисодий ҳамжамияти бир-бирларини ўзаро эътироф этиши доирасида Европа иқтисодий ҳамжамияти билан амалий муносабатлар ўрнатиш келгусидаги вазифа бўлиб турибди. «Умумевропа хонадони»ни биргаликда барпо этиш учун, бунда Шарқ билан Ғарб икки томонлама манфаатларга амал қилиб ва суверен давлатларнинг чегараларига путур етказишга уринмай, ўзаро ён босиши учун Европада объектив шароит етилди.

Яқинда М. С. Горбачев Красноярскда Осиё — Тинч океан региони давлатлари билан ҳамкорликни кенгайтиришга оид янги ташаббусларни ўртага қўйди. Мазкур ташаббусларда дунёнинг ана шу улкан қисмида бутун халқаро турмушни соғломлаштиришга қаратилган таклифлар баён этилган. Бу ташаббусларни жамоатчилик ҳам, сиёсий доиралар ҳам маъқуллаб кутиб олдилар. Кўпгина ўткир муаммолар мулоқот, музокаралар мавзуи бўлиб қолди. Ўзаро мақбул ечимларни қидириб топиш учун шарт-шароит яхшиланмоқда.

Уруш хавфи бартараф этилиб, реал ядровий қуролсизланиш бошланди. Шарқ билан Ғарб мулоқоти қатнашчилари ракетадан мудофаа шартномасига риоя қилинган, химиявий қурол тақиқланган ва тугатилган, ядро синовлари чекланган, сўнгра тўхтатилган шароитда СССР ва АҚШнинг стратегик ҳужум қуролларининг ярмини қисқартириш сингари туб масалаларни ҳал этишга киришдилар. Навбатда энг аввало Европада оддий қуролларни кўплаб ўзаро қисқартириш вазифаси турибди.

Янгича ёндашувлар маҳаллий можароларни сиёсий жиҳатдан бартараф этишни бошлаб берди. Афғонистонга доир Женева битимлари ғоят муҳим аҳамиятга эга бўлди. Битимларга изчил ва ҳалол риоя этиш бутун халқаро вазиятнинг ривожи учун принципиал аҳамиятга эгадир. Мазкур битимларга оид мажбуриятлар бузилганлиги ҳозирдаёқ Афғонистонда ҳеч нарса билан оқлаб бўлмайдиган қурбонлар ва вайронгарчиликларга олиб келди ва жиддий оқибатларга сабаб бўлиши мумкин.

Янги ташқи сиёсий йўл ўтказилаётганлиги натижасида Совет Иттифоқининг халқаро мавқеи яхшиланди, деб айтиш мумкин. Мамлакатимизга, сиёсатимизга ишонч ошмоқда. Бу эса ўз навбатида қайта қуриш вазифаларини муваффақиятли рўёбга чиқариш учун янада қулай ташқи сиёсий шароитни таъминламоқда.

Социалистик малакатлар билан муносабатлар совет ташқи сиёсатининг устун соҳаси бўлиб қолмоқда. Бошқа социалистик давлатларнинг халқлари совет халқи билан биргаликда янги турмуш қашшофларидир. Биз хавфсиз ва мустаҳкам тинчлик учун биргаликда курашяпмиз. Қардош мамлакатлар ҳамдўстлиги доирасида кўп томонлама ва икки томонлама ҳамкорлик кучаймоқда. Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар Сиёсий маслаҳат комитетининг Польша пойтахтида бўлиб ўтган кенгаши ва Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашининг Прагада ўтказилган сессияси якунлари бунинг далилидир.

Тенг ҳуқуқлилик ва ўзаро масъулият, ихтиёрийлик, ички ишларга аралашмаслик, интернационал бирдамлик ва миллий манфаатларни ҳурмат қилиш, ўзаро фойда ва ўзаро ёрдам—буларнинг ҳаммаси қардош халқлар муносабатларининг ўзгармас принципларидир. Қардош халқлар бир-бирларини ҳам моддий, ҳам маънавий жиҳатдан ўзаро бойитиш имкониятига эгадирлар. Дўстларимизнинг ғоялари ва тажрибаси — умумий мулк, қайта қуришнинг катта резервидир.

Социалистик давлатлар билан хўжалик ҳамкорлигини чуқурлаштириш — мамлакат ичкарисидаги энг муҳим вазифаларни ҳал этишнинг жиддий омилидир. Социалистик иқтисодий интеграциядаги янгилик —хўжалик ҳисоби асосида бевосита ишлаб чиқариш ва коммерция алоқалари ўрнатиш, қўшма корхоналар ва ташкилотлар барпо этиш ва уларни ишлатиш — ўзимизнинг нимага қодир эканимизни намоён этишнинг фақат бошланишидир. Социалистик мамлакатларнинг бирлашган бозори учун, валюталар муомаласи учун, энг муҳим фан-техника ва ишлаб чиқариш муаммоларини ҳал этишда ресурсларни кенг жойлаштириш ва бирлаштириш учун ҳали омилларни коллектив равишда вужудга келтириш керак бўлади.

Капиталистик ва ривожланаётган давлатлар билан иқтисодий ҳамкорлигимизнинг янги формалари мустаҳкамланмоқда. СССР территориясида ҳозирнинг ўзидаёқ ана шу давлатларнинг фирмалари билан биргаликда салкам 100 та қўшма корхона ташкил этилди. Турли консорциумлар, амалий ҳамкорлик уюшмалари пайдо бўлмоқда. Шу билан бирга ички механизмимиз пишиқтирилмаганлиги ўзаро ҳамжиҳатликнинг янги формалари самарадорлигини оширишга тўсқинлик қилмоқда. Самарали ташқи иқтисодий алоқаларни ривожлантириш ҳозирча етарли даражада рағбатлантирилмаяпти. Шунинг учун ташқи иқтисодий фаолиятни қайта қуришни актив давом эттириш зарур.

Экспорт структурасини тубдан ўзгартириш, совет саноатининг рақобатбардошлигини ошириш учун ҳали кўп иш қилиниши керак. Мамлакатимиз жаҳон экономикасида ўзининг ишлаб чиқариш ва илмий-техника потенциалига, ўзининг жаҳондаги сиёсий мавқеига мос келадиган позицияни эгаллай олади ва эгаллаши лозим.

Халқаро вазият турлича бўлиб қолмоқда. Жаҳон яхши имкониятга эга бўлди, дейиш мумкин, аммо ҳозирча бу имконият рўёбга чиқарилган эмас. Ҳали ижобий жараёнлар муқаррар эканлигига кафолат йўқ. Ядровий хавф камайтирилган бўлса-да, унга бутунлай барҳам берилмаган, қуролланиш пойгаси давом этмоқда. Зўравонлик усулларига таянувчи, кескинликни сақлаб қолишга, ундан бир томонлама устунликка эришиш учун фойдаланишга интилаётган доиралар илгаригидек фаол иш олиб бормоқдалар.

Мана шунинг учун ҳам хотиржамлик бўлиши мумкин эмас. Мамлакатнинг мудофаа қудрати ҳамиша мустаҳкам бўлиши керак. Айни вақтда биз бошқа давлатлар билан манфаатларнинг адолатли мувозанатини қидириб топишга, шу асосда улар билан биргаликда кенг қамровли халқаро тинчлик ва хавфсизлик системасини вужудга келтиришга азму қарор берганмиз. Биз ана шу системани вужудга келтириш мақсадида бундан буён ҳам барча соҳаларда — ҳарбий ва сиёсий, иқтисодий ва экологик, социал ва гуманитар соҳаларда ҳамкорликка кўмаклашаверамиз.

* * *

Ўртоқлар!

Мана 70 йилдан кўпроқ вақтдан буён биз янги жамият барпо этяпмиз. Революцион одимни секинлаштириб бўлмайди. Бу эса бизни яна турғунликка дучор қилган, тарих чеккасига улоқтириб ташлаган бўлур эди. Олға томон қилинган дадил ҳаракатгина мамлакатни социал тараққиётнинг энг юксак марраларига олиб чиқа олади.

Халқ билан партиянинг аҳил, янада самарали ишлари қайта қуришнинг позицияларини мустаҳкамлаб, уни муқаррар қилади. Амалий ишлаш кайфияти мустаҳкамланмоқда. Жамиятимизни ижодий янгилаш жараёнига тобора кўпроқ одамлар қўшилмоқдалар.

Янгиланган социализм тарих даъватига муносиб жавоб, ленинча революционерлар, совет кишиларининг авлодлари ўз ҳаётини, меҳнати ва курашини бағишлаган ижтимоий тузум бўлади. Бугунги кунда биз Октябрь вужудга келтирган омиллар қайта қуриш ғоялари ва ишларида мустаҳкамланмоқда, деб тўла масъулият билан айта оламиз. Ғалабаларимизнинг гарови мана шундадир, ўртоқлар! (Давомли қарсаклар).

КРЕМЛДА ОЛИМПИАДАЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ

(Давоми. Боши биринчи бетда).

Татьяна Самоленколарнинг ажойиб маҳорат кўрсатганликларини қайд этиб ўтмоқчиман.

Сизларнинг устозларингиз ва мураббийларингизни ҳамда олимпия мусобақаларига ҳозирлик кўришда сизларга ёрдам берган кишиларнинг ҳаммасини табриклаб, уларнинг меҳнатига юксак баҳо бераман.

Олимпия командамизда қарийб барча иттифоқдош республикалар спортчиларининг вакиллари борлиги унинг ажойиб хусусиятларидан биридир.

Ишончим комилки, сизларнинг ҳаммангиз бир-бирингизни яна ҳам яхшироқ билиб олиб, дўстлашдингиз ҳамда шундай дўстона алоқаларни ва қардошлик муносабатларини сақлаб қолиб, ривожлантираверасизлар. Спорт миллатлараро муомала доираларини кенгайтиришга ёрдам бераётгани, Совет Иттифоқи халқлари ўртасидаги дўстлик ва ишончни мустаҳкамлашга кўмаклашаётгани яхши.

Азиз дўстлар! Ҳозирги замон олимпиада ҳаракатининг асосчиси Пьер де Кубертен бастаганидек «Спорт мадҳияси»да спорт — завқ, меъмор, адолат, даъват, олижаноблик, қувонч ва самарадорликдир, чунки у «соғ танда — соғлом ақл!»ни қарор топтиради. Спорт — жисмоний ва маънавий тараққиёт ҳамдир, чунки у табиат яратган энг ажойиб зот — инсоннинг камол топишига кўмаклашади.

Бу фикрлар бизга, социализм мамлакатида яшовчи одамларга яқиндир. Зотан биз социализмнинг инсонпарварлик мақсадлари амалда рўёбга чиқиши учун ҳамма ишни қиляпмиз. Бунда эса сизларнинг ролингиз жуда каттадир, олимпиадачи ўртоқлар!

Совет физкультура ҳаракатининг мақсади халқаро мусобақаларда ғалаба қозонишдангина иборат эмаслигини сизлар тушунасизлар, албатта, ва шу фикрга қўшиласизлар, деб ўйлайман. Инсоннинг жисмоний жиҳатдан яхши чиниқиши, соғлиғи шундай нарсаки, бусиз ҳар биримизнинг турмушимиз тўлақонли бўла олмайди. Биз ҳар бир киши ёшлигиданоқ ўзининг жисмоний камолати тўғрисида ғамхўрлик қилишини, спорт билан шуғулланиш имкониятига эга бўлишини, турмуш тарзи соғлом бўлишини истаймиз.

Сизларга шуни айтаманки, биз яқин вақт ичида физкультураниng ролини ошириш, аҳолининг соғлиғини мустаҳкамлаш тўғрисидаги масалани кўриб чиқамиз. Бу вазифани ҳал этиш кўпгина моддий маблағни ҳамда давлат ва жамоат ташкилотлари талайгина куч-ғайратлар сарфлашларини тақозо этади, албатта. Сизлар — машҳур спортчилар, тренерлар ҳам шу программани амалга оширишда фаол қатнашасизлар, деб умид қиламиз.

Ўсмирлар, болаларни тарбиялашда сизларнинг ролингиз нақадар катта эканлигини сизларга эслатиб ўтиришнинг ҳожати бўлмаса керак. Уларнинг кўпчилиги сизларни жон-дилидан яхши кўришади, болалар сизларнинг сўзларингизга алоҳида эътибор билан қулоқ солишади. Модомики, биз ҳозир ҳар бир мактаб ўқувчисининг спорт билан мунтазам шуғулланишга жалб этиш вазифасини ўртага қўяётган эканмиз, бунга сизларнинг намунангиз, сизларнинг ишларингиз ҳаммадан кўра яхшироқ хизмат қилиши мумкин. Сизларнинг обрў-эътиборингиз баланд. Уни қадрлангиз.

Энг кўп ўрнак кўрсатган спортчилар, тренерлар ва бошқа мутахассисларнинг катта бир группасини Совет Иттифоқининг орден ва медаллари билан тақдирлаш назарда тутилаётганини сизларга қувонч билан маълум қиламан. Яна бир гап. «Спорт мадҳияси»да: «О, спорт, сен — тинчликсан!» деган ажойиб сўзлар бор.

Дарҳақиқат, спорт олимпиадалари қадимий Эллададa бўлгани каби тинчлик бағишламоқда, спорт ҳам халқлар ўртасида ҳамжиҳатликни, ҳамкорлик ва дўстликни мустаҳкамлашнинг ғоят муҳим омили бўлиб қолмоқда. Олимпия ҳаракати чинакам жаҳоншумул тус олди. Бу ҳаракат олижаноб умуминсоний қадриятлардан бири бўлиб қолдики, ҳозирги дунёмизда унинг аҳамияти одатдан ташқари кучайиб бормоқда.

Ўзини ўзи йўқ қилишдек реал хавфга дуч келган инсоният ҳамжамияти ҳамкорлик ва дўстлик муҳитида, маданиятли тарзда яшашни ўрганиб олишга қодир эканлигига ишончимиз комил. Бунинг учун шарт-шароитларни вужудга келтиришда спортнинг ҳам роли ғоят каттадир.

Ўртоқлар! Сизларнинг кўпчилигингиз спорт майдонларида яна синовлардан ўтасизлар. Кимдир ўқишни тугаллаши, касб эгаллаши керак. Сизларнинг олдингизда фаол турмушнинг кўп йиллари турибди. Ҳамиша ва ҳар ишда биз сизларни олимпиада ўйинларида кўрганимиздек, қатъиятли, собитқадам бўлингиз.

Олимпиада ўйинларида муваффақиятли қатнашганлигингиз билан, Улуғ Октябрнинг 71 йиллиги билан сизларни яна бир бор муборакбод этишга, меҳнатда, ўқишда ва спортда янги-янги муваффақиятлар тилагига ижозат бергайсиз!

М. С. Горбачевнинг нутқи қарсаклар билан кутиб олинди.

СССРда хизмат кўрсатган спорт мастери, узоқ йиллик ўртоқ марта Олимпия чемпиони **В. Сальников**, СССРда хизмат кўрсатган тренер, гимнастика бўйича СССР терма командасининг катта тренери, СССР Физкультура ва спорт давлат комитети бошқармасининг бошлиғи **Л. Я. Аркаев**, СССРда хизмат кўрсатган спорт мастери, енгил атлетика бўйича Олимпия ўйинлари чемпиони **Т. Самоленко** ўз нутқларида Олимпиада майдонларидаги спорт қуроли қандай ўтганлиги тўғрисидаги таассуротларини сўзлаб бердилар, совет спортини янада ривожлантириш, унинг оммавийлигини кенгайтириш муаммолари ҳақида, мамлакатимиз спортчилари қайта қуришнинг фаол қатнашчилари бўлиш иштиёқида эканликлари тўғрисида гапирдилар. Улар совет спортчиларига доимий эътибор берилаётгани учун миннатдорчилик изҳор этдилар. Олимпиадачилар миллионлаб ишқибозларнинг умидларини бундан буён ҳам оқлашга азму-қарор қилганликлари ҳақида гапирдилар.

Сўнгра М. С. Горбачев спортчилар, тренерлар, спорт саноати мутахассислари билан бафуржа суҳбатлашди. Суҳбатларда мамлакатда қайта қуриш давомида оммавий физкультура ва спортни ривожлантириш муаммолари комплекси ҳақида гап борди.

Санъат усталари олимпиадачилар шарафига концерт қўйиб бердилар.

(ТАСС).

• ЎЗБЕКИСТОН ВА ЖАҲОН

ЎЗАРО ИШОНЧ КЎПРИКЛАРИ

ГАННОВЕР, 4 ноябрь. (ТАСС мухбири). ГФР Президенти Г. Колнинг яқинда Совет Иттифоқига расмий визити чоғида тилга олинган йўналишларда ГФР билан СССР ўртасидаги муносабатларни тадрижий ривожлантириш учун катта зарурат бор. Ганновер шаҳрида Қуйи Саксония Бош министри Э. Альбрехтнинг Совет делегацияси раҳбари, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари В. .И. Огарок билан учрашуви чоғида ана шу фикр таъкидланди. Делегация Ғарбий Германиянинг ана шу ўлкасида ўтказилаётган Ўзбекистон мисолида Совет Иттифоқи кунларида иштирок этмоқда.

Суҳбат чоғида совет томони Ўзбекистон билан Қуйи Саксония ўртасида шериклик муносабатларини ўрнатиш ана шу йўлда муҳим қадам бўлар эди, деб таъкидлади. Э. Альбрехт ана шу масалани кўриб чиқишга манфаатдорлик билан ёндашди. Унинг гапларига қараганда, яқин орада экспертлар группаси тузилиб, Ўзбекистонга юборилиши керак. Совет делегациясининг раҳбари Қуйи Саксония Бош министригa Ўзбекистон Совет Республикасининг иқтисодий структураларини ҳар томонлама иқтисодий алоқаларни ўрнатишга имкон беришини маълум қилди. Жумладан, Ганновер шаҳридаги анъанавий савдо-саноат ярмаркасида келгуси йилдан бошлаб Ўзбекистон халқ хўжалигининг ютуқлари алоҳида экспозицияда кўрсатилади, деб келишиб олинди.

Ўзбек маданиятининг ажойиб фестивали Қуйи Саксониядаги кўпчилик районларни қамраб олмоқда. Бу ўлканинг минг-минглаб аҳолиси Ўзбекистон қўшиқлари ва рақслари, республика тарихи ва архитектураси билан танишди.

...Германиянинг чиройли ва кўҳна шаҳри бўлган Геттинген бўсағасида Совет делегацияси аъзоларининг кўзи «Сиз университет шаҳрига ташриф буюряпсиз», деган ёзувга тушди. Бундан минг йил муқаддам ана шу ерда биринчи посёлкага пойдевор қўйилиб, унга қадимий немисча «Геттинген» деб ном берилган эди. Ҳозир Геттингенда юз мингдан кўпроқ аҳоли бор. Шундан 30 мингдан кўпроғи маҳаллий университетнинг студентларидир.

Шаҳарнинг бош рамзи бўлган қўлида икки ғозни ушлаб турган, бронзадан ясалган қиз ҳайкали ҳам университет билан боғлиқдир. Маҳаллий кишилар ҳазил-мутойиба билан тирикларга қараганда ана шу қиз ҳайкалини кўпроқ ўпишади, дейдилар. Гап шундаки, қадимий, яхши анъанага кўра докторлик (бизнингча, кандидатлик) диссертациясини ёқлаган аспирант Геттинген марказига келиб, бронзадан ясалган гензелизелни ўпиши керак. Бу анъана нима сабабдан бошланганини ҳеч ким билмайди, лекин уни ҳозир ҳамма муқаддас билади ва риоя қилади. Университет шаҳридаги бронза қиз бўса бермаган кун йўқ.

Шаҳар ратушасида Совет делегацияси аъзолари Геттингеннинг обербургомистри Артур Леви билан бафуржа гаплашишди. Бу ерда гап «олий даража»даги сиёсат шаҳарлар даражасидаги мустаҳкам алоқалар билан, ГФР ва СССР шаҳарларининг аҳолиси ўртасидаги фаол алоқалар билан албатта тасдиқланиши лозимлиги хусусида гаплашилди.

«Биз Ўзбекистон жамоатчилиги вакиллари билан умуман учинчи бор, Қуйи Саксонияда эса иккинчи марта учрашмоқдамиз, — деди суҳбатда А. Леви. Шуни айтиш керакки, бу учрашув муомаланинг яккаюягона воситаси эмас. Ҳар йили ГФРлик неча минглаб сайёҳлар, шу жумладан Геттингендан борган саёҳатчилар Совет Ўзбекистонининг ҳаёти ва республиканинг туристик маркази — Ўрта Осиё архитектурасининг дурдоналари бўлган Самарқанд, Бухоро ва Хива шаҳарлари билан танишмоқдалар. Улар ўзбек халқи жуда бой маданий меросидан асралаётган музейларга бормоқдалар, республиканинг мактаблари, институтлари, корхоналари билан танишмоқдалар, Ўзбекистон қолоқ ўлкадан индустриал-аграр республикага айланган. Совет кишилари билан Федератив Республика аҳолиси ўртасида ҳозиргидек учрашувлар ўзаро ҳурмат, ишонч ва ўзаро ҳамкорлик муҳитини яратишга, умуман СССР билан ГФР ўртасидаги муносабатларни нормаллаштириш ва ривожлантиришга қаратилгандир».

Совет делегациясининг раҳбари ўз навбатида Совет Иттифоқи раҳбарияти мамлакатларимиз ўртасида мустаҳкам алоқалар ўрнатишга катта эътибор бераётганлигини таъкидлади. ГФР канцлери Г. Колнинг куни кеча якунланган Москвага визити чоғида ҳам ана шу фикр яна бир карра тасдиқланди. Ана шу ташриф чоғида эришилган аҳдномалар халқларимиз фаровонлиги йўлида СССР билан ГФР раҳбарияти ўртасидаги ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашга имкон беради... Алоқаларни ривожлантиришга мамлакатларимизнинг жамоат ташкилотлари, жумладан «ГФР—СССР» жамиятлари федерацияси, хусусан Қуйи Саксония ўлка жамияти активлари катта ҳисса қўшмоқдалар.

Геттингеннинг шаҳар кутубхонасида тантанали вазиятда Ўзбекистон графикаси ва китоб безаги кўргазмаси очилди.

Совет—Ирок дўстлиги кунлари

БАҒДОД, 4 ноябрь (ТАСС). Ирок пойтахтида Совет Ўзбекистонига бағишланган кўргазма очилди. Кўргазма Совет—Ирок дўстлиги кунлари доирасида ўтмоқда. Ана шу кунларда қатнашиш учун Ўзбекистон ССР ташқи ишлар министри, Осиё ва Африка мамлакатлари билан бирдамлик республика комитетининг раиси С. О. Азимов бошлиқ делегация Ироққа келди. Совет-Ирок дўстлиги кунларининг очилиши маросимида Ирок ахборот ва маданият министрининг ўринбосари, Ирок-Совет дўстлик жамиятининг раиси Абдулла Амир Муала нутқ сўзлади.

Кўргазмага келган дастлабки кишилар (уларнинг орасида пойтахт жамоатчилиги вакиллари ҳамда тасвирий санъат академиясининг студентлари бор эди) ўзбек халқининг турмуши тўғрисида ҳикоя қилувчи фотоэкспозиция билан танишдилар. Кўргазмага қўйилган қўлда тўқилган гиламлар, сопол буюмлар, ўзбек усталарининг ўймакорлик асарлари, болалар чизган суратлар катта қизиқиш уйғотмоқда.

Совет делегациясининг аъзолари вақф ва дин ишлари министрлигида бўлиб ўтган учрашув чоғида Совет Иттифоқида мусулмонларнинг аҳволи, уларнинг социал-иқтисодий тараққиёт вазифаларини ҳал этишдаги иштироки тўғрисида гапириб бердилар. Совет-Ирок дўстлиги кунларини ўтказишда Ўзбекистон ССРнинг «Шодлик» ашула ва рақс ансамбли иштирок этмоқда. Ирок жамоатчилиги ансамбль концертларини самимий кутиб олмоқда.

Октябрнинг 71 йиллиги шарафига

Чет эллардаги ватандошлар билан маданий алоқа қилувчи Ўзбекистон Ватан жамиятида Улуғ Октябрь революциясининг 71 йиллигига бағишланган тантанали кеча бўлиб ўтди. Кечада Афғонистон, Сурия, Иорданиядан келган студентлар иштирок этдилар.

Сўзга чиққан кишилар октябрь ғоялари мустақиллик, демократия, социал тараққиёт йўлида ва ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи учун курашга отланган бутун дунёдаги мазлум халқларга жуда катта таъсир ўтказганлиги тўғрисида гапирдилар. Кўпгина мамлакатларнинг халқлари Улуғ Октябрь социалистик революциясининг тажрибасидан фойдаланиб, янги турмуш барпо этмоқдалар. СССРда амалга ошириладиган турмушнинг барча соҳаларини қайта қуриш жараёни Октябрь ишининг бевосита давоми эканлиги ҳам қайд этиб ўтилди.

(ЎзТАГ).

МУКОФОТ ТОПШИРИЛДИ

1987 йил октябридан 1988 йилнинг июлигача бўлган даврда чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ва харид қилишни кўпайтириш учун Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида эришган муваффақиятлари учун Тошкент область КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотланди. 5 ноябрь куни Ўрта Чирчиқ районидаги Охунбобоев номли колхозда областга юксак мукофотни топширишга бағишланган тантанали йиғилиш бўлди.

Фахрий ёрлиқни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Р. Н. Нишонов топширди.

Йиғилишда Тошкент область партия комитетининг биринчи секретари М. М. Мирқосимов нутқ сўзлади.

(ЎзТАГ).

РЕВОЛЮЦИЯ ДОҲИЙСИГА

5 ноябрь куни Совет Армияси Марказий уйи биносида очилган хотира тахтаси Октябрь инқилобидан кейинги суроннли давр воқеаларидан бирини акс эттирди. Қизил гранитга бронзадан барельеф портрет туширилган бўлиб, унда қуйидаги ёзув бор: «Ушбу бинода 1919 йилнинг кузида Владимир Ильич Ленин халқ маорифи комиссариатига қарашли тажриба-намуна мактаби ўқувчилари ва ўқитувчилари билан учрашган эди».

Хотира тахтаси ҳайкалтарош, Ленин мукофоти лауреати А. Тюренков ва архитектор, СССР Давлат мукофоти лауреати В. Климов лойиҳасига кўра тайёрланган. **(ТАСС).**

Ўзбекистон ССР Олий Совети: сессиядан сессиягача

ТАБИАТ— БУЮК БИСОТИМИЗ

Депутатлар доимий комиссиясининг мажлисидан

Ўзбекистон ССР Табиатни муҳофаза қилиш давлат комитети ходимлари билан «Эколог» жамоат ташкилоти аъзоларининг биринчи учрашуви... Республика Олий Советида бўлиб ўтди. Бу — замоннинг нишонаси деб ўйлаймиз. Қонун чиқарувчи олий органнинг кўпгина ишлари орасида қайта қуришга хизмат қиладиган барча кучларни жипслаштириш муносиб ўрин тутади.

Бир савол бор — илгарироқ учрашиш учун уларга нима халақит берган эди? Улар бир-бирларига керакку ахир! Комитет раиси билан норасмий ташкилот аъзолари нақадар жон қуйдириб гаплашаётганликларини кўрдим. Аммо ,бу гаплашув табиатни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш доимий комиссиясининг мажлисидан кейин йўлакда бўлган эди. КПСС XXVII съездининг қарорлари асосида тузилган янги давлат органининг дастлабки қадамларини муҳокама қилишда ижтимоий, идоравий, илмий манфаатларнинг кенг доираси тилга олинди. Кун тартибида: «Ўзбекистон ССР Табиатни муҳофаза қилиш давлат комитети ҳамда унинг жойлардаги органларини тузиш, уларнинг ишини ташкил этиш қандай бораётганлиги тўғрисида»ги масала қўйилган.

Учрашувга йиғилган кишиларга экологик вазиятни таърифлаб беришнинг ҳожати ҳам бўлмасада, аммо комитет раиси Т. А. Алимовнинг ахборотида ҳақли равишда қуйидаги гаплар айтилди: Атроф муҳитни муҳофаза қилишда дурустроқ силжишларга ҳали эришилгани йўқ, бир қанча ҳолларда вазият ёмонлашиб бормоқда. Демак, атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва такомиллаштириш соҳасида, табиатдан фойдаланишда қайта қуриш механизмларини тезроқ ишга солиш керак.

Нутқларда, жойлардан ташланган луқмаларда: «ишингизни секинлик билан қайта қуряпсиз!» деган таъналар ҳам эшитилди. Комитетнинг ўзи ҳали тузилиб бўлгани йўққу... Бундай таъналарни бетга чопар танқидчиларнинг виждонига ҳавола қиламиз. Аммо Ўзбекистон Фанлар академияси Қорақалпоғистон филиали президиумининг раиси депутат С. Камолов янги органнинг тузилишига халақит бераётганлар ҳақида жуда яхши айтди: улар тегишли қарорларнинг бажарилишига тўсқинлик қилиш орқали қайта қуришга тўсқинлик қилмоқдалар. Давлат агросаноат комитети, ўрмон ва балиқ хўжалиги органлари, Мелиорация ва сув хўжалиги давлат комитети янги комитетга аталган штатлар, фондлар, вазифалар, объектларни топширишни чўзиб юбордилар.

Шуниси қизиққи, айни шу ташкилотлар ўз вақтида табиатни муҳофаза қилиш ва ундан оқилона фойдаланиш юзасидан ўз зиммаларига юкланган вазифаларни уддаламаган эдилар. Тупроқларнинг нураши билан боғлиқ бўлган дахмазалар ҳам, завод қувурларидан бурқсиб чиқаётган тутунлар ҳам, Оролнинг саёзланиб қолганлиги ҳам ана шунинг оқибатидир. Шу боисдан ҳам умумдавлат, умумхалқ манфаатларини маҳкамачилик манфаатларидан устун қилиб қўйиш тўғрисидаги талаблар мажлисда жуда кескин янгради.

Ҳозир Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг, давлат органларининг ғамхўрлиги билан комитетни ва унинг жойлардаги ташкилотларини тузишни жадаллаштиришга муваффақ бўлинди. Бу ерда маҳаллий Советларнинг доимий ёрдами керак.

Табиатни муҳофаза қилиш ва ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасидаги фаолият стратегияси ва тактикасини белгилаб олиш зарур. Бунда гап аниқ, таъсирчан контрол ўрнатиш, комплекс ва тармоқ экологик программаларини ишлаб чиқиш, уларнинг амалга оширилишини ташкил этиш тўғрисида ҳам бормоқда. Экологик вазиятни соғломлаштиришга кўмаклашадиган ҳуқуқий, иқтисодий, тарбиявий чора-тадбирларни такомиллаштириш зарурати ҳам пишиб етилди.

Бир қанча ҳолларда Табиатни муҳофаза қилиш давлат комитети билан илмий муассасалар, министрликлар, идоралар, олий ўқув юртларининг табиатни муҳофаза қилиш жамияти, ижодий союзлар, норасмий уюшмаларнинг концепциялари бир-бирига тўла-тўкис мос келди. Ихтилофлар ҳам бўлди. Аммо муҳим бошқа ёқда: бу ишдан ҳақиқатан ҳам манфаатдор бўлган ҳамма ташкилотлар экологик вазиятни ўрганиш, биосферанинг софлигини контрол қилиш, илғор, чиқитсиз технологияларни яратиш, мутахассисларни тайёрлаш, экологик билимларни пропаганда қилиш каби биргаликда ўтказиладиган тадбирларга таклиф этилди ва улар ҳам бу тадбирларда қатнашишга тайёр эканликларини билдирдилар.

Табиатни муҳофаза қилиш давлат комитети ҳузурида жамоатчилик кенгаши таъсис этилганлиги, «Табиат» деб аталган хўжалик ҳисобидаги марказ тузилганлиги (жойлардан: «эҳтимол кооператив тузиш керакдир?» деган луқма ташланди), «Ўзбекистон табиати» ҳафтаномасини нашр этиш тўғрисидаги хабарлар ҳаммани ғоят қизиқтирди.

Комиссия раиси депутат Р. Абдуллаев муҳокамани якунлаб, фикрлашувлар самарали бўлганини таъкидлади ва айни пайтда халқнинг буюк бисоти — табиатнинг тақдири учун барча давлат ва жамоат ташкилотларининг масъулиятини эслатиб ўтди.

Қабул этилган қарорлар доимий комиссиянинг назорати остига олинди.

Е. ЕФИМОВ,
ЎзТАГ обзорчиси.

ЗАФАР САТРЛАРИ

● Фарғона областининг Ўзбекистон райони пахтакорлари белгиланган мажзилга етиб, давлатга 45900 тоннадан зиёд «оқ олтин» етказиб бердилар. Ҳар гектар майдондан олинган ҳосил 28 центнерни ташкил этди. Ҳали далаларда ҳосил кўп. Миришкорлар яна 4100 тонна «оқ олтин» топшириб, ҳосилдорликни 30 центнерга етказишга аҳд қилдилар. Фрунзе райони деҳқонлари эса 42840 тонна хом ашё тайёрлаб, йиллик планни бажардилар.

● Сирдарё областининг Октябрь райони деҳқонлари давлат қабул пунктларига 36 минг 500 тоннадан зиёд хом ашё етказиб беришди. Деярли барча ҳосилни техника ёрдамида йиғиштириб олган С. Раҳимов номли, «Уч қаҳрамон», Охунбобоев номли совхозларнинг пахтакорлари бу ютуққа муносиб улуш қўшдилар. Район пахтакорлари жами «оқ олтин» хирмонини 37 минг 500 тоннага етказиш учун мавжуд имкониятларни йиғим-теримга сафарбар этишган.

● Сурхондарё областида бир йўла уч район рапорт берди. Шеробод райони 59400 тонна «оқ олтин» тайёрлади. Ҳосилнинг асосий қисми юқори сортларга сотилди. Бойсунлик миришкорлар 5400 тонна пахта етиштиришди. Олтинсой районида эса 17100 тонна пахта эл хирмонига етказиб берилди.

✦ Фарғона областининг Фрунзе райони деҳқонлари ғалаба рапортига имзо чекдилар. Давлат қабул пунктларига пландаги 42840 тонна ўрнига 44 минг тоннадан зиёд дурдона топширилди. Етиштирилган пахтанинг асосий қисми биринчи ва иккинчи сортларга сотилди.

✦ Қорақалпоғистон АССРнинг Кегайли райони пахтакорлари зафар қучишди. Йиллик марра эгалланди. Она-Ватанга 36 минг тоннадан зиёд хом ашё етказиб берилди. Ҳосилнинг асосий қисми юқори сортларга сотилди. Етиштирилган пахтанинг 26 минг тоннадан ортиқроғи «зангори кема»лар бункеридан тўкилди.

✦ Тўрткўл райони миришкорлари ҳам планни тўлдирдилар. Давлат қабул пунктларига 47 минг тоннадан зиёд дурдона етказиб берилди. Димитров номли, «Намуна» колхозлари, «Ленинизм», М. Горький номли совхозлар бу ғалабага муносиб улуш қўшдилар. Димитров номли колхоз 4700 тоннадан зиёд дурдона топшириб, йиллик планни аллақачон бажарганди. Пахтанинг 60 процентдан ортиғи машиналар бункеридан тўкилди. Бироқ район бўйича машина терими плани ҳали ҳам бажарилмади. Агар бу ерда дефолиация ўз вақтида ўтказилиб, машина-механизмлардан унумли фойдаланилганда зафар марраси бундан ҳам тезроқ эгалланган бўларди.

«ОҚ ОЛТИН» ХИРМОНИГА

Республика областларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида
шу йил 5 ноябрга бўлган
МАЪЛУМОТ
(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Областлар	Бир кунда	Мавсум бошидан	Шу жумладан машинада терилгани: Бир кунда	Мавсум бошидан
БУХОРО	0,61	109,31	0,73	88,78
ТОШКЕНТ	0,26	108,60	0,17	110,95
ХОРАЗМ	0,33	108,06	0,44	68,94
ҚАШҚАДАРЁ	0,36	104,30	0,33	111,96
ҚҚАССР	0,64	99,46	0,29	93,66
Сурхондарё	0,83	97,88	0,20	91,72
Сирдарё	0,55	97,61	0,45	107,38
Фарғона	0,71	94,17	0,17	41,76
Наманган	0,79	94,11	0,43	67,61
Самарқанд	1,05	86,47	0,72	82,19
Андижон	0,72	73,76	0,28	29,91
Республика бўйича:	0,64	96,66	0,39	83,28
Шу жумладан нигичка толали пахта:				
САМАРҚАНД	2,60	116,34	4,30	113,67
СУРХОНДАРЁ	0,96	112,07	0,33	170,78
ҚАШҚАДАРЁ	0,78	108,02	0,59	152,24
Наманган	1,12	98,62	—	—
Бухоро	0,16	15,66	0,50	9,80
Республика бўйича:	0,91	106,07	0,49	159,57

Газетхонлар диққатига!

ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА

Барча «Союзпечать» агентликлари ва алоқа бўлимларида «Совет Ўзбекистони»га обуна 15 ноябргача давом этади. Ҳурматли газетхон, бу қулай имкониятдан фойдаланинг. Вақтингизни тежаш мақсадида редакциямиз газетхонлар учун тайёр обуна варақасини саҳифада босиб тарқатишни лозим топди. Уни қайчи билан қирқиб, керакли ўринни тўлғазинг. Обуна варақасини тўлғазишда қайси ойлар учун газета олишингиз ҳақида рақамлар остига «х» белгиси қўйишни унутманг.

Келгуси — 1989 йил учун «Совет Ўзбекистони»га чекланмаган миқдорда обуна қабул қилинади. Ўйлаймизки, бу муҳим кампанияда Сиз ҳурматли газетхон ҳам четда қолмайсиз.

Азиз газетхонлар! «Совет Ўзбекистони» газетасининг обуна баҳосини унутмадингизми! Газетанинг бир йиллик обуна баҳоси — 7 сўм 80 тийин, ярим йилга — 3 сўм 90 тийин, уч ойга — 1 сўм 95 тийин.

ҚИРҚИШ ЧИЗИҒИ

ҚУЛАЙЛИКДАН ФОЙДАЛАНИНГ!

Ф .СП-1

Министерство связи СССР «Союзпечать»

АБОНЕМЕНТ на газету 64583
"Совет Ўзбекистони" (индекс издания)
(наименование издания) Количество комплектов:
на 19 год по месяцам:
1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12
Куда
(почтовый индекс) (адрес)
Кому
(фамилия инициалы)

п. в. место литер ДОСТАВОЧНАЯ КАРТОЧКА на газету 64583 (индекс издания)
"Совет Ўзбекистони"
(наименование издания)
Стоимость подписки руб. коп. Количество комплектов
переадресовки — руб. коп.
на 19 год по месяцам:
1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12
Куда
(почтовый индекс) (адрес)
Кому
(фамилия инициалы)

• Мукофот, муборак!

Кабинадаги ранго-ранг мунчоқдек лампочкалар тез-тез милтирай бошлади. Самолёт пастлаяпти. Станислав Фёдорович Харьков приборларга бир зум эътибор билан тикилгач:

— Экипаж диққатига! — деди. — Аэропорт устида об-ҳаво мураккаб. Кўриниш вертикаль бўйича 100 метр, горизонталига 900 метр. Қаттиқ қор ёғаяпти. Ён тарафдан шамол эсяпти.

Бундай вазиятда самолётни бошқариш қийин эди. Донецк аэропорти гоҳ қабул ди у. — Ўта диққат билан ишланглар.

Унинг хотиржамлик, ишонч билан айтган бир оғиз сўзи ҳамманинг ҳушини ўзига келтирди. Пастлай бошлаган самолёт экипажи олдида ягона йўл қолган эди. Қандай бўлмасин ерга қўниш керак. Бироқ бундай ҳолатда, биттагина двигатель билан камдан-кам самолётгина ер юзини кўрган. Станислав Фёдорович Харьковнинг қатъиятли овози экипаж аъзоларига тасалли бўлди. Улар фақат бир нарсага ҳусусида: қандай бўлмасин самолётни бешикаст қўндириш ҳақида ўйлашарди. Улар учун ягона умид самолёт конструкциясининг барча имкониятларидан оқиллик билан фойдаланиш, ҳаракатларда жиндек бўлса ҳам қамчиликка йўл қўймасликдан иборат эди. Бу ўзларинигина эмас, балки салондаги 164 йўловчининг ҳаётмамот масаласини ҳал этарди. Лекин экипаж аъзоларининг онги-идроки қандай бўлмасин ерга самолётни омон-эсон қўндириш билан банд эди. Ташқарида булут тўдалари кема бортига бот-бот урилар, лайлак қор ғашини келтириб иллюминаторни тўсиб қўярди...

Вақт ўтиб борар, дақиқалар жуда узоққа чўзиларди. Ниҳоят, қўниш йўли кўринди. Ҳаво кемасининг титроқларига озгина бардош бериш, бутун билим ва тажрибани ишга солиш зарур эди. Бир ярим минут ўтгач, самолёт Донецк аэропортига қўнди.

Ўзбекистон граждан авиацияси бошқармасига қарашли 5045 рейс билан Тошкент —Донецк— Львовга учаётган «ТУ-154» самолёти табиий офат туфайли ишдан чиққан иккита двигатели билан қўқда 13 минут учди.

— Биз фақат ердагина содир бўлган фалокатнинг асл моҳиятини тушуниб етиб, баданимиз жунжикиб кетди, — дея ҳикоя қилади штурман Рональд Петрович Згадов.

Ҳақиқатан ҳам қаттиқ ёмғир аралаш қор ёғаётган пайтда улкан самолётни биттагина двигателда шикастсиз ерга қўндириш чинакам жасорат, мардлик эди. У ақл-заковат, босиқлик, ирода, техникани юксак даражада билишни талаб қиларди. Харьков бошчилигидаги экипаж аъзолари ана шундай ҳислатли кишилар эди. Уларнинг шу йил март ойида кўрсатган маҳорат ва мардлиги ҳукуматимиз томонидан юксак тақдирланди. СССР Олий Совети Президиумининг ўтган кунги Фармонига кўра кема борт инженери В. Билан ва командири С. Харьков Меҳнат Қизил Байроқ ордени, иккинчи учувчи С. Мадреймов Халқлар Дўстлиги ордени, штурман Р. Згадов Ҳурмат ордени билан мукофотланди.

Улар ҳозир ҳам аэрофлот соҳасида хизмат қилишяпти. Фақат экипажнинг баъзи аъзолари бошқа ишга ўтишига тўғри келди. Авиация соҳасида 35 йил хизмат қилиб, 17 минг соатдан кўпроқ ҳаво кемасини бошқарган штурман Р. Згадов саломатлиги туфайли Тошкент аэропортининг ўзида меҳнат қиляпти. Сафар Бекмуродович Мадреймовга катта ишонч билдирилди. У «ТУ-154» самолёти экипажи командири. Жасур командир С. Харьков ва борт инженер В. Билан эса ҳамон бирга ишлашяпти. Кеча улар Тошкентдан Фарғона орқали Москвага «ТУ—154» самолётини бошқариб кетишди.

А. НИЁЗОВ,
«Совет Ўзбекистони» махсус мухбири.

СУРАТДА: осмонда жасорат кўрсатганлар (чапдан) командир С. Харьков, иккинчи учувчи С. Мадреймов, борт инженер В. Билан, штурман Р. Згадов.

А. Мальцев фотоси.

«Совет Ўзбекистони»нинг сони 7 ноябрда чиқади.

Редактор ўринбосари Т. НАЖМИДДИНОВ.

КЎКДАГИ ЖАСОРАТ

ТВ: ҲАФТАЛИК ПРОГРАММА ТВ:

7 ноябрь, душанба

МТ-I. 8.30 — Янгиликлар. 8.45 — Ҳужжатли фильм. 9.05 — Мультфильм. 9.15 — Футбол шарҳи. 9.45 — Мен, сен ва биз ҳаммамиз биргаликда. 10.30 — Циркни ҳамма севади. 11.15 — Москва Кремли комендатураси намунали-кўргазмали оркестри чалади. 11.40 — Шоирлар — Октябрга. 12.10 — Ленин Виборгда. 12.20 — Классик куйлардан концерт. 12.45 — Москва. Қизил Майдон. Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 71 йиллигига бағишланган ҳарбий парад ва меҳнаткашлар намойиши. Тугагач — СССР халқларининг қўшиқлари ва рақслари. 15.30 — «Годиб чиқиши аниқ». Бадиий фильм. 16.45 — СССР халқ артистлари Е. Образцова ва Е. Нестеренко концерти. 17.40 — Мультфильм. 18.25 — Тингланг. 19.20 — Цитата. 21.30 — Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 71 йиллигига бағишланган ҳарбий парад ва меҳнаткашлар намойиши. Тугагач — СССР халқларининг қўшиқлари ва рақслари. 15.35 — Ҳужжатли фильм. 16.40 — Мультипанорама. 17.25 — Ҳужжатли фильм. 17.35 — Биз Октябрь болалари. 18.05 — «Ўғлонлар даври». Бадиий фильм. 19.30 — Оламга саёҳат. 20.30 — Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 71 йиллигига бағишланган ҳарбий парад ва меҳнаткашлар намойиши ҳақида репортаж. 21.10 — Ҳужжатли фильм. 21.30 Москва. Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 71 йиллигига бағишланган ҳарбий парад ва меҳнаткашлар намойиши ҳақида репортаж 22,30 — «Октябрь саодати» байрам музикали программаси.

УзТВ-II. 19.00 — Ҳужжатли фильмлар. 20.00 — «Ўз зиммамга оламан». Бадиий фильм. **Душанба.** 21.30 — Москва. Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 71 йиллигига бағишланган ҳарбий парад ва меҳнаткашлар намойиши ҳақида репортаж. 22,30 — Телефильм. 22.50 — Байрамона Тожикистон. 23.20 — Ватанимни куйлайман.

8 ноябрь, сешанба

МТ-I. 8.30 — Янгиликлар. 8.45 — «Россия» рус халқ ансамблининг концерти. 9.10 — Шеърият лаҳзалари. 9.15 — Жаҳон халқларининг ижоди. 9.45 — Голиблар. 10.50 — Саноат ва қишлоқ хўжалик соҳасида 1988 йилги СССР Давлат мукофотлари лауреатлари. 11.50 — Ҳайвонот оламида. 12.50 — Ҳужжатли фильм. 13.00 — Қувноқ нотачалар. 14.00 — Ҳужжатли фильм. 14.15 — Фигурали учиш. Халқаро мусобақалар. 15.45 — Фан: назария, тажриба, практика. 16.15 М. Шолохов. «Илк ҳикоялар». 17.15 — Халқаро программа. 18.15 — Мультфильм. 18.35 — «Петровка, 38». Бадиий фильм. 20.00 — Сени севаман ҳаёт. 20.50 — «Огарева-6». Бадиий фильм. 21.30 — Время. 22.05 — Қизғиш микрофон. 23.20 — Янгиликлар. 23.25 — Москвадаги бал рақслари ижрочиларининг халқаро конкурси.

МТ-II. 8.30 — Гимнастика. 8.50 — Мультфильм. 9.00 — Ҳужжатли фильмлар. 9.45 — Дарвозаси тиллодан. 10.35 — «Биргаликда». Бадиий фильм. 11.40 — Мактаб ўқувчиларининг Москва — Варшава телекўприги. 12.55 — Мультфильм. 13.00 — Футбол шарҳи. 13.30— Мамлакат театрлари намойиш этади. 15.55 — Хоккей. ЦСКА— Крилья Советов. 18.15 — С. Есенин. «Улкан юриш ҳақида қўшиқ». 18.40 — «Беҳуда эҳтиёткорлик». Спектакль. 20.30 — Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.45 — ...16 ёшгача ва ундан катталар. 21.30 — Время. 22.05 — «Бу ўтган ёзда бўлганди». Бадиий фильм, 1 ва 2-серия-лар. 00.40 — Янгиликлар.

УзТВ-I. 9.00 — «Ассалому алайкум». 10.00 — Бахтли болалик, 2-қисм. 11.15 — Тележурнал. 11.25 — «Юрмала-88». 13.05 — «Эл таниган артист». Бадиий фильм. 14.25 — Мукаррам опа ва қирқ гўзал. 17.40 — Ералаш. 18.00 — Бойчечак. 18.30 — Оталар чойхонаси — кулгу кошонаси. 20.00 — Ахборот. 20.20 — Ҳужжатли фильм. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Концерт. 21.30 — Время. 22.05 — Санд Аҳмад. «Келинлар қўзғолони». Спектакль.

УзТВ-II. 19.00 — Ҳужжатли фильм. 20.05 — «Она айиқ операциясининг барбод бўлиши». Бадиий фильм. **Душанба.** 21.30 — Время. 22.05 — «Хоки пайванди». Видеофильм.

9 ноябрь, чоршанба

МТ-I. 7.00 — «120 минут». 9.05 — Мультфильмлар. 9.35— Болалар учун фильм. 10.50 — Ҳужжатли фильм. 11.20 ва 16.00 — Янгиликлар. 16.15 — Салом, музика. 16.55 — Мультфильм. 17.25 — Ҳужжатли фильм. 18.20 — РСФСРда хизмат кўрсатган артист Э. Москвитина чалади. 18.30 — ...16 ёшгача ва ундан катталар. 19.15 — Ҳужжатли фильм. 19.50 — Фильм-концерт. 20.30 — Ешлар саройида ижодий учрашув. 21.30 — Время. 22.00 — Футбол. Европа кубоклари. «Металлист» — «Рода» (Голландия). «Спартак» — «Стяуа» (Бухарест). 24.00 — Дунё воқеалари.

МТ-II. 8.30 — Гимнастика. 8.50 — Мультфильм. 9.00 — Магнитка тонги. 9.30 — Немис тили. 10.00 — Эски спектакль ҳақида хотира. 10.30 — Немис тили. 11.00 «— «Садоқатлилар». Бадиий фильм. 12.20 — Ҳужжатли фильмлар. 13.00 — Киноафиша. 14.00 — Янгиликлар. 14.10 — «Сарсонлик-саргардонликда». Бадиий фильм. 1-серия. — «Опа-сингиллар». 18.25 — Янгиликлар. 18.30 — П. И. Чайковский номли халқаро конкурс лауреатлари. 19.30 — Қишлоқ янгиликлари. 20.30 — Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.45 — Ҳужжатли фильм. 20.55 — Реклама. 21.00 — Музикали киоск. 21.30 — Время. 22.00 — И. С. Тургенев туғилган куннинг 170 йиллигига. «Сокинлик». Бадиий фильм. 1-серия. 23.10 — Ҳужжатли фильмлар. 23,30 — Янгиликлар.

УзТВ-I. 14.45 — Сиз севган қаҳрамонлар. 15.45 — Рус эртаклари. 16.30 — «Сўнгги учрашув». Бадиий фильм. 18.00 — Янгиликлар. 18.15 — Мультфильм. 18.30 — Зонал мусобақалари голибларининг финал турнири. 19.15 — Совет милицияси кунига. 20.00 — Ахборот. 20.20 — Шеърият дафтаридан. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Тинчлик бўлсин — бўлсин муҳаббат. 21.30 — Время. 22.00 — «Турмушга чиқманг қизлар». Бадиий фильм.

УзТВ-II. 19.30 — Сиёсий ислоҳот йўлидан. 20.10 — Ҳужжатли фильм. 20.20 — «Мухлис». Бадиий фильм. **Фрунзе.** 21.30 — Время. 22.00 — «Гирдоб». Бадиий фильм.

10 ноябрь, пайшанба

МТ-I. 7.00 — «120 минут». 9.05 — Салом музика. 9.45 — «Петровка-38». Бадиий фильм. 11.10 ва 16.00 — Янгиликлар. 16.10 — Қайта қуриш прожектори. 16.20 — Музикали хазина. 17.15 — XIX партия конференцияси белгилаб берган йўлдан. 18.00 — Мультфильмлар. 18.25 — Мамлакат ички ишлар органларининг иши ҳақида. 19.25 — Дунё воқеалари. 19.40 — Футбол. УЕФА кубоги 1/16 финал. «Виктория» (Бухарест) — «Динамо» (Минск). 21.20 — Қайта қуриш прожектори. 21.30 — Время. 22.00 — Совет милицияси кунига бағишланган концерт. 00.15 — Дунё воқеалари.

МТ-II. 9.00 — Эрталабки гимнастика. 9.15 — Илмий-оммабоп фильм. 9.35 — Табиатшунослик. 9.55 — Ҳужжатли фильм. 10.05 — Испан тили. 10.55 — Ҳужжатли фильм. 11.05 — СПТУ ўқувчиларига. 11.35— Физика. 12.05 — Испан тили. 13.00 — «Сокинлик». Бадиий фильм. 14.00 — Катталар ва болалар. 14.35 — Янгиликлар. 14.45 — «Сарсонлик-саргардонликда». Бадиий фильм, 2-серия — Танлаш. 18.30 — Янгиликлар. 18.35 — Мультфильм. 18.55 — Ритмик гимнастика. 19.25 — Концерт. 20.30 —Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.45— Совет агитацион чинниси. 21.30 — Время. 22.00 — Қайта қуриш прожектори. 22.10 — «Сокинлик». Бадиий фильм. 2-серия. 23.15 — Янгиликлар.

УзТВ-I 15.00 — Зумрад шаҳар сеҳргари. Спектакль. 16.15 — Ҳаётнинг бошланиши. Бадиий фильм. 17.35 — Фильм-концерт. 18.00 — Янгиликлар 18.15 — Пионерлар мамлакатида. 18.50 — Мультфильм. 19.00 — Ешлик. 19.40 — Телефильм. 20.00 — Ахборот. 20.20 — Бугун — Совет милицияси куни. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Милиция ходимлари учун концерт. 21.20 — Қайта қуриш прожектори. 21.30 — Время. 22.00 — Долзарб дамлар қадри. 22.20 — Диққат, барча постларга. Бадиий фильм.

УзТВ-II. 19.30 — «Олис кўлладаги ороллар. Бадиий фильм. 20.00 — Реклама. 20.15 — «Осмондан тушган беш ўғлон». Бадиий фильм. **Фрунзе.** 21.20 — Қайта қуриш прожектори. 21.30 — Время. 22.00 — Бу ерда бегоналар йўқ. Бадиий фильм.

11 ноябрь, жума

МТ-I. 7.00 «120 минут». 9.05 — Совет қўшиқларидан концерт. 9.35 — Халқ ижодиёти. 10.05 — «Огарёва 6». Бадиий фильм. 11.30 — ва 16.00 — Янгиликлар. 16.10 — Қайта қуриш прожектори. 16.20 — Нега ва нима учун? 16.50 — Тараққиёт. Ахборот. Реклама. 17.35 — Ангола миллий байрами — мустақиллик кунига. 17.55 — Ҳужжатли фильм. 18.45 — XIX партия конференцияси белгилаб берган йўлдан. 19.30 — Дунё воқеалари. 19.45 — Ер ва одамлар. 21.30 — Время. 22.00 — Қайта қуриш прожектори. 22.10 — 1988 йил қўшиқлари. 22.25 — Нигоҳ. 23.00 — Катталар учун мультфильмлар.

МТ-II. 9.00 — Гимнастика. 9.15 — Илмий-оммабоп фильм. 9.35 — Г. Х. Андерсен эртаклари. 10.05 — Инглиз тили. 11.05 — СПТУ ўқувчиларига. 11.35 — Музика. 12.05 — Инглиз тили. 13.05 — «Сокинлик». Бадиий фильм. 2-серия. 14.10 — Ҳужжатли фильм. 14.30 — Янгиликлар. 14.40 — «Сарсонлик-саргардонликда». Бадиий фильм. 3-серия. Уруш. 18.35 — Янгиликлар. 18.45 — Саёҳатчилар клуби. 19.45 — Концерт. 20.15 — Ҳужжатли фильм. 20.30 — Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.45 — Ҳаракат хавфсизлиги учун. 20.50 — Ю. Казаков. Ҳикоялар. 21.20 — Қайта қуриш прожектори. 21.30 — Время. 22.00 — Футбол. «Днепр — Жалгирис. 23.50 — «Сояда 40 даража иссиқ». Бадиий фильм. 01.00 — Янгиликлар.

УзТВ-I. 15.00 — Шарқ афсонаси. Фильм-балет. 16.05 — Сергей Лазо. Бадиий фильм. 17.30 — Ўқитувчи экрани. 18.00 — Янгиликлар 18.15 — «Ровестник». 18.50 — Чорвадор. 19.20 — Македония телевидениесининг программаси. 20.00 — Ахборот. 20.20 — Долзарб интервью. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Дутор ва танбур тароналари. 21.30 — Время. 22.00 — Қайта қуриш прожектори. 22.10 — Касаба союз ҳаёти. 23.15 — «Фурқат». Бадиий фильм.

УзТВ-II. 19.25 — Телефильм. 19.50 — «Сеҳрли занжир». Кинокомедия. 21.00 — Баскетбол. АСК Тошкент — НКИ (Никополь). **Фрунзе.** 21.30 — Время. 22.00 — Қайта қуриш прожектори. 22.10 — Ҳужжатли фильмлар.

12 ноябрь, шанба

МТ-I. 7.00 — 120 минут. 9.00 — Концерт. 9.30 — Нега ва нима учун? 10.00 — В. Готовцева куйлайди. 10.20 — Шарқий Сибирь. Киножурнал. 10.30 — Ҳаракат хавфсизлиги учун 5—соната. 11.25 — Ўзбекистоннинг қадимий ёдгорликлари. 11.55 — Ҳужжатли фильм. 12.05 — Социализм мамлакатларида. 12.35 — Киносанъати соҳасида 1988 йилги СССР Давлат мукофотлари лауреатлари. 13.05 — Ҳамма учун ва ҳар бир киши учун. 13.40 — Дунё воқеалари. 14.00 — Аслини олганда. 15.15 — Иттифоқдош республикалар киносанъати. 16.05 — Шеърият лаҳзалари. 16.10 — Педагог Б. Н. Никитин билан учрашув. 17.40 — Мультфильм. 17.50 — Халқаро панорама. 19.10 — «Икки кишилик вокзал». Бадиий фильм. 1-ва 2-сериялар. Танаффусда спорт разминкаси. 21.30 — Время. 22.05 — Қайта қуриш прожектори. 22,15— Илмий-оммабоп фильм. 22.35 — Шанба оқшомида. 00.05 — Янгиликлар.

МТ-II. 8.30 — Гимнастика. 8.45 — Студия намойиш этади. 9.30 — Сайланмалар. 10.30 — Здоровье. 11.20 — Ҳайвонот оламида. 12.20 — Рус тили. 12.55 — Тарих саҳифалари. 13.25 — Иқтисодий билимлар асослари. 14.00 — Инсон институти. 15.00 — Новаторлар ва консерваторлар. 15.45 — Педагогика ҳамма учун. 16.00 — «Ён дафтарча сири». Бадиий фильм. 17.15 — Мультфильм. 17.35 — Ҳужжатли фильмлар. 19.00 — Унутилмас музикали кечалар. 19.40 — Фидойи шахслар. 20.25 — Ҳаракат хавфсизлиги учун. 20.30 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.45 — Татаристон АССР Давлат ашула ва рақс ансамблининг концерти. 21.30 — Время. 22.05 — Қайта қуриш прожектори. 22.15 — «Ер ва олтин». Бадиий фильм. 23.25 — Янгиликлар.

УзТВ-I. 9.00 — «Ассалому алайкум». 10.00 — Шанба экрани. 10.30 — Ўзбекистон кардиологларининг съезди. 11.00 — Пойтахтимиз меҳмонлари. 11.40 — Ҳўжалик ҳисоби ва ўз-ўзини маблағ билан таъминлаш йўлидан. 12.10 — «Шавкатли рицарь Айвенго ҳақида баллада». Бадиий фильм. 13.35 — «Замандас». 14.35 — Фан уфқлари. 15.15 — Мультфильм. 15.25 — Рассом ва китоб. 16.00 — Футбол. Биринчи лига кубогининг финали. «Пахтакор — АСК (Ростов-Дон). 17.50 — «Совет Иттифоқи шаҳарлари». 18.40 — «Ералаш». 19.00 — Македония телевидениесининг программаси. 20.00 — Ахборот. 20.20 — Ҳужжатли фильм. 20,30 — Ахборот. 20.50 — Пахтакорлар учун музикали программанинг давоми. 22.55 — Ижод саҳифалари.

УзТВ-II. Душанба. 18.10 — Мен яшаётган олам. 18.45 — Жаҳон бир ҳафта ичида. 19.00 — Новости. 19.20 — Цирк. 20.00 — Ахборот. 20.25 Ҳужжатли фильм. 20.40 — Ўртоқ қўшиқ. 21.30 — Время. 22.05 — Қайта қуриш прожектори. 22.15 — Ширу-шакар.

13 ноябрь, якшанба

МТ-I. 8.30 — Янгиликлар. 8.45 — Ритмик гимнастика. 9.30 — Ҳужжатли фильм. 9.50 — «Спортлото». 10.00 — Будильник. 10.30 — Совет Иттифоқига хизмат қиламан! 11.30 — Тонгги почта. 12.00 — Адабиёт, санъат, архитектура соҳасида 1988 йилги СССР Давлат мукофотлари лауреатлари. 13.00 — Музикали киоск. 13.30 — Қишлоқ янгиликлари. 14.30 — Здоровье. 15.15 — «Қуш сути». Бадиий фильм. 16.30 — Шанба — ота-оналар куни. 18.00 — Жаҳоннинг йирик музейи. 18.30 — Ҳалқаро панорама. 19.15 — Ҳужжатли фильм. 19.55 «Ҳазил». Бадиий фильм. 21.30 — Время. 22.05 — Мультфильм. 22.15 — Сизни М. Пятницкий номли РСФСР Давлат академик рус халқ хори таклиф этади. 23.50 — Янгиликлар.

МТ-II. 8.30 — Зарядкага сафланинг! 8.45 — Сиз яратган бог. 9.20 — Ил фасллари. 10.20 — Оламга саёҳат. 11.20 — Иқтисодий билимлар асослари. 11.55 — Ажойиб кишилар ҳаёти. 12.40 — Рус маданияти ҳақида суҳбатлар. 13.25 — Педагогика ҳамма учун. 13.40 — Телепублицистик фильм. 14.50 — Ҳаракат хавфсизлиги учун. 14.55 — Ҳужжатли фильмлар. 15.55 — Хоккей. «Спартак»—ЦСКА 18.20 — Телевизион музикали абонемент. 19.15 — «Қайтиш». Спектакль. 20.30 — Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.45 — Реклама. 20.50 — Музикали очерк. 21.30 — Время. 22.05 — «Жумбоқнинг ечилиши». Бадиий фильм. 23.20 — Янгиликлар.

УзТВ-I. 9.00 — «Ассалому алайкум». 10.00 — Оила даврасида. 10.30 — Биргаликда куйлаймиз. 10.50 — Қувноқ стартлар. 11.40 — Объективда — Қайта қуриш. 12.10 — Инсон ва табиат. 12.50 — Қизиқишларинг олами. 13.05 — Спорт программаси. 14.05 — Ўқитувчи Муножат Ботирова билан учрашув. 15.25 — Йўл ҳаракати хавфсизлиги учун. 16.05 — Реклама. 18.10 — Ералаш. 18.20 — Қўшиғим, жон қўшиғим. 19.00 — Македония телевидениесининг программаси. 20.00 — Ахборот. 20.20 — Фитиль. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Мусиқа жавони. 21.30 — Время. 22.05 — Телевизион миниатюралар театри.

УзТВ-II. Фрунзе. 17.05 — Мультфильм. 17.15 — Реклама. 17.30 — Джаз шинавандаларига. 18.10 — Телефильм. 18.30 — Халқаро панорама. 19.15 — Олий лига командалари «Динамо» (Фрунзе) — «Динамо» (Тбилиси) иштирокида Бутуниттифоқ турнири. 20.45 — Концерт. 21.20 — Манзарали фильм. 21.30 — Время. 22.05 — «Ўн уч». Бадиий фильм.

ТОШКЕНТ ШАҲАР ГАРНИЗОНИ БОШЛИҒИНИНГ БУЙРУҒИ

№ 85
1988 йил 18 октябрь
Тошкент шаҳри

§ 1

1988 йил 7 ноябрда Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 71 йиллиги шарафига Тошкент шаҳрида В. И. Ленин номли майдонда Қизил Байроқ орденли Туркистон ҳарбий округи қўшинларининг паради соат 10.00 га белгиланди.

Парадни Қизил Байроқ орденли Туркистон ҳарбий округи қўшинларининг қўмондони армия генерали Н. И. ПОПОВ қабул қилади.

§ 2

Парадга қўмондонлик қилиш менга буюрилди.

Қисм командирларига тасдиқланган ҳисобга мувофиқ ва белгиланган вақтда линейникларни юбориш ва қўшинларни парадга олиб чиқиш топширилди.

Кийим формаси ёзги, байрамбоп.

§ 3

Парадни ўтказиш чоғида артиллерия салютни берилсин.

§ 4

Маҳаллий вақт билан соат 21.00 да менинг буйруғимга биноан Тошкент шаҳрининг белгиланган пунктларида байрам салютни берилсин.

§ 5

В. И. Ленин номли майдонда тартибни сақлаш бўйича умумий раҳбарликни Тошкент гарнизони ҳарбий комендант подполковник Б. Д. МЕЛЬНИКОВга юклайман.

Тошкент шаҳар гарнизони бошлиғи — округ қўшинлари қўмондонининг биринчи ўринбосари генерал-лейтенант И. ФУЖЕНКО.

Театр

НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 6/XI да **Хива ордени**, 9/XI да **Икки дил достони** (19.00), кичик экспериментал саҳнада **Она қалби** (15.00), 10/XI да **Фауст.**

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 6/XI да **Олтин девор** (12.00), **Курорт** (19.00), 7/XI да **Ўғрини қароқчи урди** (12.00), **Тақдир эшиги** (19.00), 8/XI да **Келинлар қўзғолони** (19.00), 10/XI да **Қутлуғ қон.**

МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКали ТЕАТРИДА — 6/XI да **Музаффар қуёш фарзанди** (12, 14.00). **Музикали комедиялардан саҳналар**, (19.00), 7/XI да **Музикали комедиялардан саҳналар** (19.00), 9/XI да **Нурхон**, 10/XI да **Аршин мол-олон.**

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 6/XI да **Сўнаётган юлдузлар** (19.00), 7/XI да **Майсаранинг иши** (19,00); 8/XI да **Келинлар қўзғолони** (19.00), 9/XI да **Парвона** (19.00), 10/XI да **Узоқ қишлоқ** (19.00).

Цирк

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **«Энг қувончли кун» цирк спектакли** (6/XI да 10, 13, 16, 19.00 да).

МАРКАЗИЙ «ПАХТАКОР» СТАДИОНИДА
12 ноябрь соат 16.00 да СССР КУБОГИ УЧУН
«ПАХТАКОР» (Тошкент) — «АСК» (Ростов-Дон)
командалари ўртасида

ФУТБОЛ

Спорт-буюм лотереяси ўйналади.

Серияларнинг **номерлари: 058001 дан 060000 гача.**

Коллектив бўлиб тушиш учун буюртмалар қабул қилинади.

Билетларни ўз вақтида сотиб олинг.

ҚИРҚИШ ЧИЗИҒИ.

ҲУРМАТЛИ ГАЗЕТХОНЛАР!

ОБУНА ВАРАҚАСИНИ БЕХАТО ТЎЛҒАЗИШГА ҲАРАКАТ ҚИЛИНГ!

Агар обуна «Союзпечать» агентлигида расмийлаштирилган бўлса, касса аппаратининг муҳри, алоқа бўлинмаларида расмийлаштирилганда эса календарь штемпели, албатта, бўлиши керак.

Бу ҳолда обуначиларга абонемент билан бирга пул қабул қилинганлиги ҳақида квитанция берилади.

АЗИЗ ОБУНАЧИ ЎРТОҚЛАР!

Газета ва журналларга обуна варақасини снёҳли ручкаларда, хатосиз, сўзларни қисқартирмасдан ва тушунарли қилиб тўлғазинг!

Обуначи ўз турар жой адреси, исм ва фамилиясини аниқ ёзиши талаб этилади.

Обуна варақасидаги «ПВ-МЕСТО» деган ёзувли чақмоқларни алоқа бўлинмалари ва «Союзпечать» агентликлари ходимлари тўлғазади.

3-БЕТГА ҚАРАЛСИН!

«Юлдузча» нашриёти коллективи нашриётнинг бош редактори, ёзувчи Тоҳир Маликка отаси

Абдумалик ҲОБИЛ ўғлининг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон ССР Телевидение ва радиоэшиттириш давлат комитети коллективи республика телевидениеси «Ахборот» информацион кўрсатувлар Бош редакциясининг бош редактори А. Тожиевга онаси

Каромат РАЗЗОҚОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Республика «Узбексвязьстрой» ишлаб чиқариш қурилишмонтаж бирлашмаси коллективи Қарши шаҳридаги ёрдамчи ишлаб чиқариш участкаси бошлиғи

Убайдулла Абдуллаевич АБДУЛЛАЕВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Р. — 17765. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. А. — 256. ИНДЕКС 64583. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12